КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ЯНГИ РАВНАҚИ УЧУН!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 126 (7516). ● 2 июль, 1981 йил ◆ ПАЙШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

БУГУН БУҚА РАЙОНИ МАРКАЗИДА ОБЛАСТЬ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХОДИМЛАРИНИНГ КЕНГАШИ БЎЛИБ ЎТАДИ. КЕНГАШ ҚАТНАШЧИЛАРИ КПСС XXVI СЪЕЗДИ ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ XX СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА 1981 ЙИЛДА ЗИММАГА ОЛИНГАН СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ВАЗИФАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛАДИЛАР, ЯНГИ РЕЖАЛАРНИ БЕЛГИЛАЙДИЛАР.

МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ— МУҚАДДАС БУРЧ

КИШЛОҚ хўжалик ходими!.. Бу шарафли ва эъзозли касбга мансуб кишиларнинг шу кеча-кундузда ҳаловати йўқ. Халқ ризқ-рўзининг бунёдкорлари бўлмиш пахтакорларимиз, чорвадорларимиз, ғаллакорларимиз, сабзавоткорларимиз, боғбонларимиз, хуллас, барча тармоқларнинг соҳибкорлари ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йили мўлкўл ҳосили ҳақида қайғурмоқдалар, йиллик план ва социалистик мажбуриятларни сўзсиз адо этиш учун жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Пойтахт Тошкент области механчилари ҳам бундан мустасно эмаслар. Уларнинг бу йилги марралари улкан ва масъулиятли. Деҳқон ва чорвадорларимиз бу йил она-Ватанга 435 минг тонна пахта, 85 минг тонна дон, 485 минг тонна сабзавот, 85 минг тонна картошка, 60 минг тонна полиз маҳсулотлари, 143 минг тонна мева ва узум, 43 минг тонна гўшт, 150 минг тонна сут, 310 миллион дона тухум армуғон этиш мажбуриятини олганлар. Белгиланган режаларни бажариш учун жойларда катта ишлар қилинмоқда. Экин-тикинларни парвариш қилишни яхшилаш, етиштирилган ҳосилни нес-нобуд қилмай йиғиштириб олишга пухта тараддуд кўриш айни авжида.

Бу йилги об-ҳаво иншиқликлари дала меҳнаткашларининг ишларини анча мушкуллаштирди қўйди. Натижада экинлар ривожи сусайди, зараркунандаларнинг бегона ўтларнинг кўпайишига имконият яратилди. Ана шундай қийин бир вазиятда Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитети барча меҳнаткашларга қарата Мурожаат қабул қилиб, юз берган аҳволни тезда яхшилаб олиш чораларини кўрди, аграр-саноат комплексининг ҳамма тармоқларидаги меҳнат ва моддий-техника ресурсларини, ишчи кучларини сафарбар этишга, ҳосилни муваффақиятли ўриб-йиғиб олишни таъминлашга, чорва учун мустаҳкам озуқа базаси яратишга ва оқибатда юксак натижаларга эришишга қаратилган қатор тадбирлар белгилади.

Астойдил тер тўкаётган донгдор пахтакорларимиз 1981 йилни зарбдорларча ишлаш йили деб эълон қилдилар, ғўза ниҳоллари ривожидаги қолоқликни тугатиш учун ўзларининг бутун сабот ва матонатларини, билим ва маҳоратларини ишга солдилар. «Оқ олтин»миришкорлари ҳар туп ғўзани кўз қорачиғидай авайлаб, вегетация даврининг охиригача мўлжалдаги ғўза туплари сақлаб қолишга ҳаракат қилмоқдалар. Ғўза ўсишини жадаллаштириш ва мўл ҳамда эртаги ҳосил етиштирилишини таъминлаш ҳар бир район, ҳар бир хўжалик, ҳар бир бригада ва ҳар бир олтинпазнинг биринчи галдаги вазифаси бўлиб қолди. Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги», Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхози, Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли, Пискент районидаги «Гулистон», Чиноз районидаги Охунбобоев номли, Янгийўл районидаги «Коммунизм» ва бошқа бир қанча хўжаликларда худди ана шундай маромда иш олиб борилмоқда.

Аммо, ҳамма ерда дала ишлари суръати ва сифати кўнгилдагидек ташкил этилган деб бўлмайди. Парваришда агротехника талабларига амал қилинмаётган, қатор ораларига ишлов бериш ва сугориш ишларини намунали ўтказмаётган, шира, трипс сингари зараркунандаларга самарали усуллар билан қаршн курашмаётган, ҳосил кушандаси —бегона ўтларнинг кўпайишига бефарқ қараётган хўжаликлар, бригадалар йўқ эмас.

Ғўза қатор ораларига ишлов беришни ўз вақтида ва сифатли ўтказишда, қишлоқ хўжалиги агрегатлари унумдорлигини оширишда, уларнинг бир минут ҳам бекор туриб қолишига йўл қўймасликда, сугориш, озиқлантириш комплексида дала гвардиячилари — механизаторларимизнинг, қўли гул сувчиларимизнинг меҳнати беқиёсдир. Айни пайтда культивация сифатига алоҳида эътибор бериш, эгатлардаги тупроқни ҳамиша юмшоқ сақлаш, ғўзага қачон ва қанча меёрда сув қўйишни аниқ билиш ғоят муҳимдир.

Жойлардаги партия, совет, касаба союз ва хўжалик органлари маккажўхори, ғалла ва шоли етиштиришни кўпайтиришга ҳам эътиборни кучайтирмоқдалар. Бироқ, баъзи ерларда маккажўхори, шоли каби экинларга ўтай кўз билан қараётган ҳодимлар ҳам топилди. «Қаҳрабо дон» ҳисобланган маккажўхори шундай экинки, биз унинг воситаси билан ҳам дон етиштиришни кўпайтиришимиз, ҳем чорвачилик ва паррандачилик ривожини юқори савияга кўтаришимиз мумкин. Бу йил областимиз деҳқонлари ҳар гектар майдондан 100 центнердан ва ундан ҳам кўпроқ маккажўхори дони, 60—70 центнердан шоли олиш учун курашаётганлиги қувончли бир ҳолдир.

Чорвачиликни юксалтиришда ҳам ижобий силжишлар кузатилмоқда. Фермаларимиз ходимлари ўртоқ Л. И. Брежневнинг ўтган йили Тошкент область чорвадорларига йўллаган табрикномасида баён этилган кўрсатмаларини бажара бориб, мол туёғини ошириш, гўшт, сут, жун ва тухум тайёрлашни кўпайтиришда муҳим кўрсаткичларни қўлга киритишга муваффақ бўлмоқдалар.

Афсуски, чорвачиликдаги айрим камчиликларга ҳам барҳам берилмаётир. Чорва комплекслари ва парранда фабрикалари қуриш ҳамда уларни ўз вақтида фойдаланишга топшириш ишлари сабабсиз чўзиб юборилмоқда. Моллар семизлигини таъминлаш, чорва маҳсулотларининг сифат стандартларига амал қилиш, ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш, мустаҳкам ем-хашак базасига эга бўлиш масалалари айрим хўжаликларда яхши ҳал этилмаяпти. Шуни назарда тутиб колхоз ва совхозларда ҳар гектар сугориладиган майдондан 250 центнердан беда пичани, 800—1000 центнердан маккажўхори кўкпояси ва хашаки лавлаги етиштириш учун курашмоғимиз керак. Табиий ўтлардан пичан жамғариш учун бу йилги қулай шароитдан тўла фойдаланиб, 1,5—2 йиллик миқдорида озуқа жамғаришга эришайлик.

Сабзавоткорлар, боғбон ва соҳибкорлар сабзавот, полиз маҳсулотлари, картошка, мева, узум етиштиришдек муҳим ишга салмоқли ҳисса қўшаётганликларини унутмасликлари лозим. Шу боисдан улар экинзорлар, боғ-роғлар, токзорлар парваришини барча чоралар билан кучайтиришлари, ўн биринчи беш йиллик учун қабул қилинган мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашлари шарт.

Бу йилги ҳосил тақдири, маҳсулот сифати, далаларда, боғ-роғларда, қирадрларда етиштирилган жами ҳосилни ташиш ва яхши сақлашни ташкил этиш билан бевосита боғлиқдир. Нобудгарчиликка мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Транспорт ходимлари, тайёрловчилар, қайта ишловчилар ҳар килограмм пахта, дон, ғалла, сабзавот, картошка, мева учун ўзларини жавобгар деб билишлари керак. Минглаб одамлар меҳнати билан яратилган ҳосилнинг бир зарраси ҳам нобуд бўлмаслиги учун маъновий ва моддий таъсир чораларидан омилкорлик билан фойдаланмоқ зарур.

Ишнинг муваффақияти қишлоқ хўжалигида банд бўлган кадрларга боғлиқ эканлигини унутмайлик. Хўжалик раҳбарлари ва мутахассислар барча тадбирларнинг амалга оширилишини қатъий назорат остига олишлари, техникага, ишчи кучларига эҳтиёжни дарҳол аниқлашлари, ташкилий ва амалий ҳаракатларни оқилона изга йўналтиришлари лозим. Механизаторлар, сувчилар, шоферлар, комбайнчилар, тайёрлов органларининг ходимлари малакасини ошириш учун, уларнинг серунум меҳнат қилишлари учун шароит яратилаётган жойларда тўғри иш қилинмоқда.

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигимизда салмоқли иқтисодий потенциал вужудга келди. Бу эса раҳбарлик ишлаб бериш ва сугориш ишларини намунали ўтказмаётган, шира, трипс сингари зараркунандаларга самарали усуллар билан қаршн курашмаётган, ҳосил кушандаси —бегона ўтларнинг кўпайишига бефарқ қараётган хўжаликлар, бригадалар йўқ эмас.

Ғўза қатор ораларига ишлов беришни ўз вақтида ва сифатли ўтказишда, қишлоқ хўжалиги агрегатлари унумдорлигини оширишда, уларнинг бир минут ҳам бекор туриб қолишига йўл қўймасликда, сугориш, озиқлантириш комплексида дала гвардиячилари — механизаторларимизнинг, қўли гул сувчиларимизнинг меҳнати беқиёсдир. Айни пайтда культивация сифатига алоҳида эътибор бериш, эгатлардаги тупроқни ҳамиша юмшоқ сақлаш, ғўзага қачон ва қанча меёрда сув қўйишни аниқ билиш ғоят муҳимдир.

Жойлардаги партия, совет, касаба союз ва хўжалик органлари маккажўхори, ғалла ва шоли етиштиришни кўпайтиришга ҳам эътиборни кучайтирмоқдалар. Бироқ, баъзи ерларда маккажўхори, шоли каби экинларга ўтай кўз билан қараётган ҳодимлар ҳам топилди. «Қаҳрабо дон» ҳисобланган маккажўхори шундай экинки, биз унинг воситаси билан ҳам дон етиштиришни кўпайтиришимиз, ҳем чорвачилик ва паррандачилик ривожини юқори савияга кўтаришимиз мумкин. Бу йил областимиз деҳқонлари ҳар гектар майдондан 100 центнердан ва ундан ҳам кўпроқ маккажўхори дони, 60—70 центнердан шоли олиш учун курашаётганлиги қувончли бир ҳолдир.

Чорвачиликни юксалтиришда ҳам ижобий силжишлар кузатилмоқда. Фермаларимиз ходимлари ўртоқ Л. И. Брежневнинг ўтган йили Тошкент область чорвадорларига йўллаган табрикномасида баён этилган кўрсатмаларини бажара бориб, мол туёғини ошириш, гўшт, сут, жун ва тухум тайёрлашни кўпайтиришда муҳим кўрсаткичларни қўлга киритишга муваффақ бўлмоқдалар.

Афсуски, чорвачиликдаги айрим камчиликларга ҳам барҳам берилмаётир. Чорва комплекслари ва парранда фабрикалари қуриш ҳамда уларни ўз вақтида фойдаланишга топшириш ишлари сабабсиз чўзиб юборилмоқда. Моллар семизлигини таъминлаш, чорва маҳсулотларининг сифат стандартларига амал қилиш, ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш, мустаҳкам ем-хашак базасига эга бўлиш масалалари айрим хўжаликларда яхши ҳал этилмаяпти. Шуни назарда тутиб колхоз ва совхозларда ҳар гектар сугориладиган майдондан 250 центнердан беда пичани, 800—1000 центнердан маккажўхори кўкпояси ва хашаки лавлаги етиштириш учун курашмоғимиз керак. Табиий ўтлардан пичан жамғариш учун бу йилги қулай шароитдан тўла фойдаланиб, 1,5—2 йиллик миқдорида озуқа жамғаришга эришайлик.

Сабзавоткорлар, боғбон ва соҳибкорлар сабзавот, полиз маҳсулотлари, картошка, мева, узум етиштиришдек муҳим ишга салмоқли ҳисса қўшаётганликларини унутмасликлари лозим. Шу боисдан улар экинзорлар, боғ-роғлар, токзорлар парваришини барча чоралар билан кучайтиришлари, ўн биринчи беш йиллик учун қабул қилинган мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашлари шарт.

Бу йилги ҳосил тақдири, маҳсулот сифати, далаларда, боғ-роғларда, қирадрларда етиштирилган жами ҳосилни ташиш ва яхши сақлашни ташкил этиш билан бевосита боғлиқдир. Нобудгарчиликка мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Транспорт ходимлари, тайёрловчилар, қайта ишловчилар ҳар килограмм пахта, дон, ғалла, сабзавот, картошка, мева учун ўзларини жавобгар деб билишлари керак. Минглаб одамлар меҳнати билан яратилган ҳосилнинг бир зарраси ҳам нобуд бўлмаслиги учун маъновий ва моддий таъсир чораларидан омилкорлик билан фойдаланмоқ зарур.

Ишнинг муваффақияти қишлоқ хўжалигида банд бўлган кадрларга боғлиқ эканлигини унутмайлик. Хўжалик раҳбарлари ва мутахассислар барча тадбирларнинг амалга оширилишини қатъий назорат остига олишлари, техникага, ишчи кучларига эҳтиёжни дарҳол аниқлашлари, ташкилий ва амалий ҳаракатларни оқилона изга йўналтиришлари лозим. Механизаторлар, сувчилар, шоферлар, комбайнчилар, тайёрлов органларининг ходимлари малакасини ошириш учун, уларнинг серунум меҳнат қилишлари учун шароит яратилаётган жойларда тўғри иш қилинмоқда.

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигимизда салмоқли иқтисодий потенциал вужудга келди. Бу эса раҳбарлик ишлаб бериш ва сугориш ишларини намунали ўтказмаётган, шира, трипс сингари зараркунандаларга самарали усуллар билан қаршн курашмаётган, ҳосил кушандаси —бегона ўтларнинг кўпайишига бефарқ қараётган хўжаликлар, бригадалар йўқ эмас.

Ғўза қатор ораларига ишлов беришни ўз вақтида ва сифатли ўтказишда, қишлоқ хўжалиги агрегатлари унумдорлигини оширишда, уларнинг бир минут ҳам бекор туриб қолишига йўл қўймасликда, сугориш, озиқлантириш комплексида дала гвардиячилари — механизаторларимизнинг, қўли гул сувчиларимизнинг меҳнати беқиёсдир. Айни пайтда культивация сифатига алоҳида эътибор бериш, эгатлардаги тупроқни ҳамиша юмшоқ сақлаш, ғўзага қачон ва қанча меёрда сув қўйишни аниқ билиш ғоят муҳимдир.

Жойлардаги партия, совет, касаба союз ва хўжалик органлари маккажўхори, ғалла ва шоли етиштиришни кўпайтиришга ҳам эътиборни кучайтирмоқдалар. Бироқ, баъзи ерларда маккажўхори, шоли каби экинларга ўтай кўз билан қараётган ҳодимлар ҳам топилди. «Қаҳрабо дон» ҳисобланган маккажўхори шундай экинки, биз унинг воситаси билан ҳам дон етиштиришни кўпайтиришимиз, ҳем чорвачилик ва паррандачилик ривожини юқори савияга кўтаришимиз мумкин. Бу йил областимиз деҳ-

ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежнев 30 июнь куни Кремлда Германия социал-демократик партиясининг раиси В. Брандт шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда ГСДП раисининг ўринбосари Г.-Ю. Вишневский, ГФРнинг СССРдаги элчиси А. Майер-Ландрут, ГСДП раисининг сафарида ҳамроҳ бўлиб келган расмий кишилар В. Брандт билан бирга бўлдилар.

Совет томонидан А. А. Громико, М. А. Суслов, Б. Н. Пономарев ўртоқлар, шунингдек КПСС Марказий Комитетининг аъзоси В. В. Загладин, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидатлар А. И. Блатов, А. С. Черняев, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Зиёфатда Л. И. Брежнев нутқ сўзлади.

Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Ҳурматли раис Willи Брандт!

Бу ерда, Москвада сизни яна табриклаётганимдан хурсандман. Сиз бу ерда бир неча бор бўлгансиз. Ҳамма учрашувларимиз менинг эсимда. Биз ўтмишга назар ташлаб, шундай дейишга ҳақлимиз: бу учрашувлар айниқса 60-йилларнинг охири ва 70-йилларнинг бошларида салмоқли натижалар берди, Ўшанда «совуқ уруш»дан кескинликни юмшатиш сари бурилиш ясашга, чинакам тарихий аҳамиятга молик бурилиш қилишга муваффақ бўлинган эди.

70-йилларда қилинган ишлар халқаро вазият кескинлашган ҳозирги пайтда ҳам тинчлик фойдасига хизмат қилмоқда.

Аммо ҳақиқатга тик қараш керак — ҳозир бошқача бурилиш хавфи вужудга келди: энди кескинликни юмшатишдан янги нусқадаги «совуқ уруш» сари бурилиш содир бўлмоқда.

Бошқа социалистик давлатлар каби Совет Иттифоқи ҳам бу тенденциянинг ривожланишига йўл қўймасликка интилмоқда. У бironта мамлакатга ҳеч бир яхшилик келтирмайди.

Брандт жаноблари, бундан ўн йил муқаддам бўлганидек, тинчлик иккламиз учун халқаро майдондаги амалий ишларда энг қимматли нарса, раҳмсо бўлиб қолаберишга ишонгим келади.

Бинобарин, бизнинг назаримизда, шу ишлар орасида қуролланиш пойгасини тўхтатишдан ҳам зарурроқ, ундан ҳам жиддийроқ иш йўқ.

Ҳозирги вазиятда бу ишни Европадаги ядровий пойгани чеклашдан бошлаш лозим бўлур эди. Биз шу масала юзасидан эртагаёқ музокаралар бошлашга тайёрмиз. Аммо АҚШнинг позицияси оқибатида ҳали ҳам музокаралар бошланмаяпти. Айни вақтда бизнинг Европада НАТО мамлакатлари билан СССРнинг ўртача олисликка учадиган янги ракета-ядро воситаларини жойлаштиришни тўхтатиб туриш тўғрисидаги таклифимиз шубҳа остига қўйилмоқда.

Демак, башарти музокаралар умуман бошланган тақдирда ҳам иккала томон ўз программаларини амалга оширишни давом эттираберадиган бир шароитда бошланади. Аммо бу яхши йўл эмас.

Шуни айта оламанки, СССР ишнинг моҳияти юзасидан музокаралар бошланган кундаёқ мамлакатнинг Европа қисмида ўзининг ўртача олисликка учадиган ракеталарини жойлаштиришни тўхтатиб туришга тайёр. Аммо, АҚШ музокаралар вақтида ўртача олисликка учадиган ўз ядровий воситаларини Европада кўпайтирмаслигини бизга айтган тақдирдагина шундай қиламиз.

Совет Иттифоқи бу музокараларда реал салмоқли натижаларга эришилишидан умидвордир. Биз, ракета-ядро қуролларини камайтириш йўлидан бориш вақти келди, деб ҳисоблаймиз.

Ҳар бир давлат ўз хавфсизлигини пишиқ-пухта таъминлашга интилади. Бироқ, ядро асрида қуролланиш пойгасида ютиб чиқишга умид боғлаш йўли билан бунга эришиб бўлмайди. Бизнинг давримизда хавфсизлик қаршима-қарши турган қучларнинг вужудга келган тахминий ҳарбий тенглиги ва келгусида уларнинг даражасини қисқартиришга асосланилган тақдирдагина бу хавфсизлик реал ва мустаҳкам бўлиши мумкин. Акс ҳолда ҳеч ким ўзини хавфсиз деб ҳис эта олмайди.

АҚШнинг Совет Иттифоқидан ҳарбий устунликка интилиши халқаро майдондаги барқарорликка путур етказади ва унинг ўз хавфсизлигини таҳликалироқ қилиб қўяди.

Яна бир гапни айтиб ўтмоқчиман. Нақотки, ҳамма замонларда ҳам қурол-яроғларни кўпайтириш ҳарбий мувозанатга эришиш учун бирдан-бир йўл бўлиб қолаберса? Қурол-яроғлар даражасини ўзаро қисқартириш йўли билан шу мақсадга эришиб бўлади-ку, ахир. Халқлар бундан фақат манфаат кўришлари мумкин.

СССР ва ГФР турли иттифоқларга кирганлар, мамлакатларимиздан ҳар бири ўзининг иттифоқчилик мажбуриятларига эга эканлиги равшан. Аммо шу мажбуриятлар ҳарбий устунликка ва кескинликни юмшатишни қўпоришга қаратилган йўлга албатта бўйсундирилиши керакми? Йўқ, албатта. Ҳар ҳолда Варшава шартномаси мамлакатлари масалага бундай ёндашмайдилар.

Биз, Совет Иттифоқида ГФР билан тинч, яхши қўшничилик муносабатларида бўлиш тарафдори эканлигимиз шубҳасиз. Бу — бизнинг доимий, таъбир жоиз бўлса, стратегик йўлимиздир. Бизнинг канцлер Шмидт билан сизларнинг юртингизда, ГФРда ўтказажак музокаларимиз амалий руҳда ўтади ва мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни олга силжитади, деб умид қиламан.

Ҳурматли раис! Сиз билан бизнинг ўртамизда энг зарур халқаро проблемаларни ҳал этиш ва уруш хавфига қарши ҳаракат қилиш манфаатлари йўлида ҳолисона, ошкора, амалий мулоқот бўлиб ўтди.

Биз ғоят кенг миқёсда: ҳукуматлар ўртасида ҳам, мўътабар жамоат кучларининг намояндалари ўртасида ҳам, шу жумладан, албатта, коммунистлар билан социал-демократлар ўртасида ҳам мулоқот бўлишининг тарафдоримиз.

Биз социал-демократлар ва социалистларнинг кўпгина мамлакатларда қуролланиш пойгасига қарши, ядро уруши хавфига қарши, тинчликни мустаҳкамлаш учун курашдаги иштирокини қадрлаймиз ва ҳамиша бу олижаноб ишда ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.

КПССнинг партия XXVI съездида тасдиқланган принципиал йўли мана шу.

Ижозатингиз билан:

— Willи Брандтнинг, барча меҳмонларимизнинг соғлиги учун,

— Тинчлик ва кескинликни юмшатиш манфаатлари йўлида КПСС билан ГСДП ўртасидаги муносабатларнинг ривожи учун,

— Бутун дунёда тинчлик учун қадаҳ кўтаришни таклиф этаман!

* * *

Сўнгра В. Брандт нутқ сўзлади.

В. БРАНДТ нутқи

Боҳ секретарь жаноблари!

Аввало, таклифингиз учун миннатдорчилик билдирмоқчиман, бу таклиф менга бугун Сизнинг меҳмонингиз бўлиш имконини бериб турибди. Дўстим Ганс-Юрген Вишневский ва ходимларимиз билан бирга бизга кўрсатилган дўстона иззат-икром учун ташаккур. Германия Федератив Республикасининг элчисига ҳам миннатдорчилик сўзлари айтаман. Мен унга бундан буён ҳам иккала давлатимиз ўртасидаги муносабатлар манфаатлари йўлидаги фойдали ишни бажаравершини тилайман.

Боҳ секретарь жаноблари! Қийин даврда бир-биримиз билан ошкора ва актив мулоқат ўтказиш имкониятига эга эканлигимиз жуда соз. Сиёсат бобидаги қийинчилик дўстларим ва ватандошларим каби, Европанинг биз яшаб турган қисмидаги бошқа кўпгина кишилар каби ҳозирги ҳалқаро аҳволдан жуда ташвишланаётганимни, қуролярогларнинг ҳатарли равишда кўпайтириш давом этаётганидан ва бутун инсониятнинг тинчлиги ҳавф остида қолдирилаётганидан ташвишланаётганимни илгари ҳам Сизга айтган эдим ва яна бу ерда таъкидлаб ўтмоқчиман.

Суҳбатлар учун Сиздан миннатдорман, бу суҳбатларнинг характери аҳволнинг жиддийлигига ва Сиз билан бизнинг ғоят бир хил бўлмаган масъулиятимизга мувофиқ бўлди. Ҳар борада ҳам объектив жиҳатдан бир хил бўлмаган масъулият янада кўпроқ даражада намоён бўлади. Визитимизнинг вазифаси аҳворот олишдан ва имкони борича аҳворот беришдан иборат. Менга бу ерда айтилган гаплар юртимизда эътибор билан ва чуқур ўйлаб қабул қилинади. Бир қанча муҳим масалалар хусусидаги фикрларимизда тафовут бўлгини қайд этмасак, ажабланарлик бўлур эди. Етарли фикрлашилмаганлиги оқибатида икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларни беҳуда чигаллаштирувчи англашилмовчиликлар кўпиб чиқмаслиги жуда муҳим.

Икки-ўртамизда энг муҳим масалада—тинчликни сақлаш қолиш масаласида тўла яқдиллик мавжудлиги ғоят муҳимдир. Биз бу жиҳатдан ўзаро шартнома ва эътиқод орқали бирлашганмиз, деб ўйлайман. Бинобарин, мен 1970 йил 12 август куни бу ерда айтган гапимдан заррача қайтишни ҳаёлимга ҳам келтирмайман. Мен Сизга федерал канцлер Гельмут Шмидтдан топширган салом унинг ўзи Сизга айтган: биз яхши қўшни бўлиб қолишни хоҳлаймиз, энди ҳеч қачон немислар диёридан уруш бошланмаслигини истаймиз, деган гапнинг тасдиғидир.

Менинг фикримча, кейинги ҳафталарда айтилган ҳамма гапларни ҳам тўғри ва адолатли деб бўлмайди. Биз ҳам 1941 йил 22 июнининг даҳшатли аҳамиятини унутганимиз йўқ ва ўтмишдан сабоқлар чиқариб олганмиз, менинг бу гапимга ишонишингизни сўрайман.

Гитлер бошлаган уруш дастидан чидаб бўлмас уқубатларни бошдан кечирган миллион-миллион кишилар олдида қайғу билан бош эгаман.

Мен бу ерга бошқа бирон бир киши ўрнида музокаралар олиб бориш учун келган эмасман. Ҳар ҳолда Қўшма Штатлар номидан ҳам гапирмоқчи эмасман. Бироқ, СССР билан АҚШ нинг муътабар раҳбарлари учрашуви бутун дунёдаги одамлар учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлишига шак-шубҳа йўқ. Жаҳон аҳлини бу учрашувни ҳаддан ташқари узоқ кутишга мажбур этмаслик керак, деб ўйлайман.

Биз билан биз шартнома тузганимизга 10 йилдан ошди. Биз Польша Халқ Республикаси, ГДР ва ЧССР билан тузган шартномаларимизни шу шартномага илова қилдик. Тўрт давлатнинг Берлин (Ғарбий) юзасидан шартнома тузган кунига сентябрда 10 йил тўлади. Биз танлаган йўл тўғри йўл эди. Бинобарин, мен шу пайтгача эришилган натижаларни шубҳа остига қўймасдан тузилган шартномалардан кўпроқ фойда олишни маслаҳат беришим мумкин, холос. Иккала давлатимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик муваффақиятли равишда олга силжиди. Аммо мен иккала томоннинг мавжуд резервлардан фойдаланиш зарурлиги хусусидаги фикрингизга кўшиламан. Ҳамкорликнинг баъзи соҳалари биз истаганча ривожланмаганини сиз билан биз биламиз. Боҳ секретарь жаноблари, сиз билан биз 70-йилларнинг бошларида музокаралар ўтказган пайтда ва иккала жаҳон давлати муҳим битимларга эришган пайтда биз Европада кескинликни юмшатишнинг, ҳамкорликни ривожлантириш ва хавфсизликни мустаҳкамлашнинг умидбахш истиқболини кўрган эдик.

Сиёсий соҳадаги кескинликни юмашатиш кетидан ҳарбий соҳадаги кескинликни ҳам юмшатишга эришилмаганлиги Федератив Республикадан анча ташқаридаги кўпгина кишиларни ҳам жуда хафа қилди. Энди олдимизда кескинликни юмшатишни яна мустаҳкам негизга қўйишдан иборат мураккаб вазифа пайдо бўлмоқда. Чунки сиёсий ҳамкорлик ва ўзаро ишонч бўлмаса, самарали ҳарбий битимлар ҳам бўлмаганидек, ҳарбий соҳадаги кескинлик юмшатилмаса, сиёсий соҳадаги кескинликнинг юмшатилиши узоқ умр кўра олмайди. Агар шундай бўлса, 80-йиллар яхшилик билан тугамаслиги хавфи пайдо бўлади. Сиёсат яна ўз ҳуқуқларини қўлга киритадими ёки қуролланиш техникаси олдида таслим бўладими, деган савол пайдо бўлмоқда, бу савол бошқа мамлакатлардан кўра энг катта мамлакатларга кўпроқ тегишлидир.

Бизнинг мақсадимиз Сизнинг 1978 йил баҳорида Федератив Республикага қилган визитингиз вақтида биргаликда қайд этилганидек, қуроляроглар соҳасида томонлардан бironтасининг хавфсизлигига зарар етказмай, имкони борича пастроқ даражадаги тахминий мувозанатга эришишдан иборат бўлмоғи лозим. Боҳ секретарь жаноблари, биз ҳар қандай илдам қуролланишни тугатиш йўли билан ҳар қандай қўшимча қуролланишни кераксиз бир нарсага айлантириб қўйиш мақсадида ўтказиладиган музокаралар тарафдоримиз. Бизнинг юртимиз Германия Федератив Республикасида ва Ғарбий Европанинг бошқа қисмларида Мадриддаги музокараларнинг муваффақиятли тугалланишидан астойдил манфаатдорлик мавжуд.

Чунки Хелсинкида бошланган жараён бундан буён ҳам ривожланиши ва Европада қуролсизланиш проблемаларига бағишланган махсус конференцияга йўл очилиши, келишиб олинган мандат асосида реалистик, жиддий йўл очилиши муҳимдир. Ҳозир мен жаҳон сиёсатига ва қалтис районлардаги аҳволга таллуқли турли масалалар хусусида батафсил гапирмоқчи эмасман. Бу масалалардан баъзиларини биз муҳокама қилиб олдик. Жумладан, ривожланаётган мамлакатлар билан муносабатларга таллуқли проблемалар юзасидан Сиз билан алоқа боғлаб турамиз, деб умид билдиришга ижозат бергайсиз. Принцип жиҳатидан биз бутун дунёдаги қуролланиш тўхтатиб турилиши лозим, чунки, ранс ҳолда дунёдаги очарчиликни бартараф этиб бўлмайди, деган бир фикрга келдик, деб ўйлайман. Гапимнинг охирида, Боҳ секретарь жаноблари, Сиз билан бу йил, бизга маълум бўлишича, ноябрь ойида Германия Федератив Республикасида кўришишни жиддий равишда ҳоҳлаётганимизни зўр қатъият билан изҳор этишга ижозат бергайсиз. Бу гапни федерал канцлер ва вице-канцлер номидан ҳам айтишим мумкинлигини биламан. Бу истак у ёки бу партиялар доираси билангина асло чекланмайди. Бу — иккала давлатимиз учунгина муҳимдир, деб ўйламайман. Бу — халқаро тинчлик манфаатлари йўлидаги музокаралар жараёнига кўмаклашувчи муҳим омил бўлиб қолиши ҳам мумкин.

* * *

Л. И. Брежнев ва В. Брандт нутқлари зўр эътибор билан тингланди ва қарсаклар билан кутиб олинди.

Зиёфат самимий, дўстона вазиятда ўтди. (ТАСС).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети КПСС XXVI съезди қарорлари асосида республикада мактабгача ижтимоий тарбияни янада ривожлантириш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Қарорда қўйидагилар таъкидлаб ўтилади: ўнинчи беш йиллик даврида мактабгача тарбияни такомиллаштириш, яслн ва боғча шохобчаларини ривожлантиришда муайян муваффакиятларга эришилди. Болаларни жисмоний ва эстетик тарбиялашга, уларни мактабга тайёрлаш, рус тилини ўргатишга катта эътибор берила бошланди. Болаларни овқатлантириш ва медицина хизматини уюштириш анча яхшиланди. Беш йил ичида 234 минг ўринли болалар боғчалари қурилди ва юз минг ўринли бошқа бинолар болалар боғчаларини ташкил этиш учун мослаштирилди. Сурхондарё ва Қашқадарё областларида, Тошкент, Навоий, Каттақўрғон шаҳарларида, Москва, Бўз, Учқўрғон районларида мактабгача тарбия муассасалари шохобчаларини тез ривожлантиришга оид сохасида кўрилган тадбирлар тақдирлашга сазовордир. Бунинг натижасида 1981 йилда мактабгача тарбия муассасаларига жалб этилган болалар сони 1976 йилдагига нисбатан қарийб 10 процент ошди.

Шу билан бирга мактабгача тарбиянн ривожлантиришда катта камчиликлар ҳам бор.

Кўпгина болалар боғчаларида, хусусан қишлоқлардаги боғчаларда таълим-тарбия жараёнини уюштириш даражаси ҳануз ҳозирги талабларга жавоб бермаётир. Мактабгача тарбия муассасаларининг малакали педагог кадрлар билан тўла таъминланганлиги бунинг асосий сабабидир.

(Давоми иккинчи бетда)

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

(Бошы 1-бетда).

Бир қанча областларда ҳеч қандай асос бўлмагани ҳолда колхозлараро марказлаштирилган мактабгача тарбия бошқармалари шохобчалари тугатилмоқда. Халқ маорифи органлари, колхозларнинг, савдо ташкилотларининг раҳбарлари мактабгача тарбия муассасаларини ҳар хил озиқ-овқат маҳсулотлари билан биринчи навбатда таъминлашга ҳали эришган эмаслар. Мактабгача тарбия муассасаларида болаларга медицина хизматини яхшилаш талаб этилади.

Мактабгача тарбия муассасаларининг моддий базасини янада мустаҳкамлаш керак. Пудратчи қурилиш ташкилотлари қурилишнинг нормативда белгиланган муддатларига ҳамиша риоя қилмоқдалар, деб бўлмайди, улар кўпинча ўйинлар ва физкультура машғулотлари учун керакли иншоотлар қурилмаган ҳолда болалар боғчаларини катта нуқсонлар билан фойдаланишга топширмоқдалар.

Мактабгача тарбия муассасаларининг ишини янада такомиллаштириш, уларнинг шохобчаларини ривожлантириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, дейилади қарорда, энг муҳим умумдавлат ва умумпартиявий вазифаларнинг бири деб ҳисобланиши лозим. Бу вазифани ҳал этиш совет кишиларининг фаровонлигини оширишга, болаларни ҳар томонлама уйғун равишда тарбиялашга уларни мактабга тайёрлаш, онла турмушини яхшилашга, оналарнинг ишлаб чиқариш меҳнатида, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётда иштирок қилишлари учун реал имкониятларни вужудга келтиришга ёрдам беради.

Область, шаҳар ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область, шаҳар, район ижроия комитетларига шу қарорда кўрсатиб ўтилган камчиликларни тугатиш юзасидан конкрет тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш топширилди. Шу билан бирга асосий эътибор мактабгача тарбия муассасалари ходимлари билан ишлашга, ёш авлодни юксак маънавий ва ахлоқий фазилатлар, коллективизм руҳида тарбиялашга қаратилиши лозим.

Ўзбекистон ССР Маориф министрлигига ва унинг жойлардаги органларига қуйидаги ишларни бажариш топширилди. Болалар яслилари ва боғчаларида тарбия ҳамда таълим ишларини бутун жараёнини қаттиқ назорат қилиб туриш, тарбия масаласида давлат томонидан белгиланган программанинг сўзсиз ва тўла бажарилишини таъминлаш;

боғча мудирларини ва тарбиячиларни методик адабиёт ва мактабгача тарбия муассасаларидаги болаларни жисмоний, ақлий, ахлоқий ва эстетик тарбиялашга доир ўқув қўлланмалари билан таъминлаш. Болалар боғчаси мудири ва тарбиячисига ёрдам бериш учун кутубхонача тайёрлансин ва кўп нусхада нашр этилсин. Тарбия жараёнида турли техникавий воситалардан, шу жумладан диафильм, магнитафон лентаси ва граммафон пластинкаларидан кенг фойдаланилсин;

тарбиячилар ва мудирларнинг малакасини кун сайин ошириш устидан амалий контроль ўрнатилсин, уларнинг тажриба айирбошлаш юзасидан семинарлари тез-тез ўтказиб турилсин. Тарбиячиларнинг ўз билимини оширишга доир ягона тавсиялар ишлаб чиқилсин ва ясли-боғчаларда жорий этилсин. Махсус маълумоти бўлмаган ходимлар сиртқи таълимга жалб этилсин;

партия ва касаба союз органлари билан биргаликда мудирлар ва тарбиячиларнинг гоявий-сиёсий савиясини ошириш соҳасидаги ишларни яхшилаш чоралари кўрилсин, мактабгача тарбия муассасалари учун кадрлар тайёрловчи педагогика билим юртлари ва педагогика олий ўқув юртларида таълим-тарбия ишлари, шунингдек тарбиячи касбига мойил бўлган ёшларни ана шу билим юртлари ва олий ўқув юртларига танлаб олиш соҳасидаги ишлар яхши йўлга қўйилсин;

идораларга ва колхозларга қарашли мактабгача тарбия муассасаларига йўл-йўриқ кўрсатиш кучайтирилсин, уларнинг ишини ҳар томонлама текшириш таъминлансин, болалар боғчаларининг мудирлари ва тарбиячиларига нисбатан талабчанлик оширилсин. Бу муассасалар учун кадрлар танлашда актив қатнашмоқ керак;

район, шаҳар, область, республика миқёсида энг яхши болалар яслиси ва болалар боғчаси учун мусобақа уюштирилсин. Мусобақа давомида мураббийчиликдан ва илғор ходимлар ҳамда илғор коллективларнинг қолоқларни оталиққа олишидан кенг фойдаланилсин. Мактабгача тарбия ишларини олиб борадиган энг яхши муассасалар негизида уларнинг тажрибасини ўрганиш ва пропаганда қилиш мақсадида методик тадбирлар амалга оширилсин.

Республика Савдо министрлиги, Ўзбекобирлашув, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети область ижроия комитетлари билан биргаликда мактабгача тарбия муассасаларини, хусусан қишлоқлардаги шундай муассасаларни зарур маҳсулотларнинг хаммаси билан биринчи навбатда таъминлашни тартибга солиш тадбирлари ишлаб чиқилсин ва амалга оширилсин.

Мактабгача тарбия муассасалари учун ошпазлар тайёрлаш кенг йўлга қўйилсин ва уларнинг малакаси оширилсин, токи барча ясли-боғчалар яқин йиллар ичида махсус маълумотли ошпазларга эга бўлсинлар.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги мактабгача тарбия муассасаларидаги болаларга медицина хизматини яхши йўлга қўйсин. Болаларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан камол топтириш, улар ўртасида касалланишни камайтириш мақсадида мактабгача тарбия муассасаларида овқатлантиришни тўғри ташкил этиш, соғломлаштириш ва чиниқтириш тадбирларини амалга ошириш, юқумли касалликларга қарши санитария режимига қаттиқ риоя қилинишни таъминласин. Мактабгача тарбия муассасаларига хизмат кўрсатувчи медицина ҳамширалари ва врачларнинг малакасини ошириш тўғрисида доим ғамхўрлик қилинсин.

Республика Қишлоқ хўжалик министрлиги меҳнаткашлар депутатлари Советлари область ва район ижроия комитетлари билан биргаликда колхозлардаги болалар боғчаларига раҳбарликнинг энг самарали формаси сифатида колхозлараро марказлаштирилган мактабгача тарбия бошқарувини кенг пропаганда қилсин ва ҳамма жойда жорий этсин.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ижроия комитетларига ва Тошкент шаҳар ижроия комитетига идораларга карашли бўлмаган ҳар бир болалар боғчасига уни оталиққа олувчи ташкилот, корхона, муассасани бириктириб кўйиш, уларнинг фаолиятини педагогика коллективларига ёрдам беришга, болалар яслилари ва боғчаларининг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлашга қаратиш топширилди.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги, Ўзбекистон ССР кинематография, Телевидение ва радиоэшиттириш, нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси Давлат комитетлари, ёзувчилар, композиторлар, рассомлар, архитекторлар союзлари, Ўзбекистон театр жамияти мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун бадиий адабиёт, суратлашлик асарлари, кинофильмлар, спектакларни, радио ва телевидение орқали эшиттиришларни кўпайтиришлари лозим.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика ҳукумати мактабгача тарбия муассасаларини ривожлантиришнинг жадал суръатларини сақлаб қолиш зарур деб ҳисоблайдилар; маҳаллий советлар ижроия комитетлари халқ маорифи ва соғлиқни сақлаш бўлимлари ихтиёридаги ана шу муассасаларда тарбияланувчилар сонини 1985 йил охирига қадар 465 мингтага етказиш, республика, иттифоқ-республика, иттифоқ министрликлари ва идоралари ихтиёридаги муассасаларда ўринлар сонини 500 мингга етказиш керак. Колхозларнинг правлениелари ва партия комитетларига мактабгача тарбия муассасаларидаги болалар сонини 460 минг нафарга етказиш тавсия этилди.

Область партия комитетлари, область ижроия комитетларига, министрликлар ва идораларга мактабгача тарбия муассасаларини, хусусан колхозларда шундай муассасаларни қуриш юзасидан белгиланган топшириқлар қандай бажарилаётганлигини қаттиқ контроль қилиб туриш топширилди. Мактабгача тарбия муассасаларини қуриш учун саноат корхоналарининг маблағларини кооперативлаштиришдан кенг фойдаланилсин.

Республика Госстройи, Қурилиш министрлиги, Қишлоқ қурилиш министрлиги «Узколхозстрой» ва бошқа пудратчи ташкилотлар — мактабгача тарбия муассасалари қурилишининг сифатини ошириш ва қурилиш нормативларига қаттиқ риоя қилиш чораларини кўришлари лозим.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети партия, совет органлари, маориф ва соғлиқни сақлаш ходимлари, республика жамоатчилиги КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартияси XX съездининг қарорларини, партия ва ҳукуматнинг мактабгача ижтимоий тарбияни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳақидаги қарорларини сўзсиз бажариш учун бутун куч-ғайратларини сафарбар қиладилар, деб ишонч билдирдилар.

Ташаббускорлар ҳузурида

АҲДИ БОРНИНГ — БАХТИ БОР

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анвар Эгамназаров бошлиқ бригадаси далаларида етиштирилган дстлабки ўнлаб тонна картошка Москвага жўнатилди.

Ўз дала ва боғларида етиштирилган эртаги, сархил сабзавот, картошка, меваларни Москва, Сибирь, Узоқ Шарқ меҳнаткашлари билан биргаликда баҳам кўриш деҳқон ва боғбонларимиз учун яхши анъана бўлиб қолган. Улар Тошкент, пойтахт областининг бошқа саноат шаҳарлари аҳолисига ҳам тобора кўпроқ ноз-неъматлар етказиб бераётирлар.

Меҳнаткашларни сабзавот маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаб туриш партиямиз томонидан ишлаб чиқилаётган озиқ-овқат программасининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Областимиз Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анвар ЭГАМНАЗАРОВ бошлиқ бригада дала шийпонида давра суҳбати

●

қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари Ватанимиз, халқимиз олдидаги ўз масъулиятларини тўла ҳис этган ҳолда мева, сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни бутун чоралар билан кўпайтириш, ўн биринчи беш йиллик планларини муваффақиятли бажариш ва ошириб бажариш учун мусобақага актив қўшилдилар.

Илғор сабзавотчилик, картошкачилик, боғдорчилик ва узумчилик бригадалари коллективлари бу мусобақа маёқлари бўлишмоқда. Уларнинг қимматли ташаббуслари Тошкент область партия комитети томонидан маъқулланган эди. Бу бригадаларнинг мажбуриятлари газетамизда 2 июнда эълон қилинган эди. Шу ойнинг охирги кунларида биз бу ташаббускорлардан бири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анвар Эгамназаров бошлиқ бригада дала шийпонидамиз.

Бу ерда деҳқонлар олган мажбуриятларини қандай бажараётганлари ҳақида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда колхоз партия комитетининг секретари Ҳамидулла Иброҳимов, бригада бошлиғи Анвар Эгамназаров, бригада аъзоларидан Олим Нурматов ва Турғуной Тожиева, колхоз раисининг маданий-маиший ишлар бўйича ўринбосари, дала шийпони мудири Аҳмад Муродов, Тошкент область партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг ходимлари иштирок этдилар.

МАЁҚЛАРИМИЗ — ФАХРИМИЗ ВА ТАЯНЧИМИЗ

Ҳ. ИБРОҲИМОВ: Область партия комитети хўжалигимизга катта ишонч билдирди. Ташаббускорлардан бири колхозимиз вакили эканлиги бизга, коммунистларга катта масъулият юклайди.

Анвар ака Эгамназаров тажрибали деҳқондир. У бошлиқ бригада аъзолари ўз сўзларининг устидан чиқишларига ҳеч шубҳа йўқ. Биз ўз вазифамизни фақат уларга ҳар томонлама амалий ёрдам беришдан иборат, деб билмаймиз. Илғорлар ташаббуси колхознинг барча меҳнаткашлари учун намуна бўлиши, уларнинг меҳнат активлигини оширишга хизмат қилишига эришиш янада муҳимдир.

Хўжалигимизда ўтказилган очиқ партия йиғилишида ҳам шу ҳақда гап борди. Унда колхозимиз аъзолари олдида сабзавот, картошка, узум, мева ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш соҳасидаги вазифалар ва мавжуд имкониятлари ишга солиш тўғрисида фикрлашиб олдик. Бу масалага бағишлаб бригадаларимизда ҳам йиғилишлар ўтказилди. Агитаторларимиз, сиёсий ахборотчиларимиз, сиёсий ташкилотчиларимиз ҳам самарали иш олиб бордилар.

Ҳозир Анвар Эгамназаров бошлиқ бригада ва областнинг бошқа илғор коллективлари ташаббусига хўжалигимизнинг коммунистлари Турғунбой Ўтепов, Қудрат Аҳмедов, Мўмин Хожиевлар бошлиқ ва бошқа бригадалар аъзолари ҳам қўшилишган. Бу йил икки йиллик план миқдорида маҳсулот етиштириш, ўн биринчи беш йиллик топшириғини тўрт йилда бажариш мажбуриятини олган коллективлар орасида донгдор деҳқоннинг ўғли Адҳам Эгамназаров бошлиқ бригада сабзавоткорлари ҳам бор.

Анвар ака кўп йиллик тажрибага эга бўлган миришкор деҳқон бўлса, унинг ўғли олий қишлоқ хўжалик маълумотига эга мутахассисдир. Ота ва ўғил бошлиқ коллективларнинг меҳнат беллашуви янги-янги ютуқларга эришиш имкониятини бермоқда.

Колхозимизда маёқлар эришган натижаларга таянган ҳолда юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилинди. Буни иккита рақам билангина ҳам исботлаш мумкин. План бўйича биз 10,5 минг тоннадан сал кўпроқ сабзавот маҳсулотларини, 1250 тонна картошка етиштиришимиз лозим. Биз эса камида 13 минг тонна сабзавот ва 1,5 минг тонна картошка етиштиришга аҳд қилдик.

Бу юксак мажбуриятлар муваффақиятли бажарилмоқда. 25 июнгача давлатга 4 минг тоннадан кўпроқ сабзавот маҳсулотлари сотилди. Бу ўтган йилнинг шу даврида гидан 1500 тонна ортиқдир. Қабул пунктларига 430 тонна, бултурғидан 300 тонна кўп картошка, 50 тонна мева етказиб берилди.

Бригада аъзолари етиштирган сабзавот маҳсулотлари сархиллиги билан ажралиб туради. Улар бу маҳсулотларнинг турлари бўйича белгиланган топшириқларни ҳам тўла бажаришади.

Суғориладиган ерлар самарадорлигини ошириш учун эртаги экинлар ҳосили йиғиштириб олинган далаларга дарҳол кечки сабзавот экишга киришамиз. Бу ҳар бир деҳқонинг қадрига етиб меҳнат қилишни тақозо этади. Шу боисдан бизнинг «Қолоқларсиз меҳнат қилиш» шиори остида мусобақамиз янги маъмун касб этади. Ҳозир қолоқларсиз меҳнат қилиш Анвар Эгамназаров бошлиқ бригада коллективи ва ўларнинг издошларидек план топшириқларини ошириб бажариш учун интилиш демакдир.

АҲИЛЛИКДА ҲИКМАТ КАТТА

А. ЭГАМНАЗАРОВ: — Ҳозир ҳар бир кунгина эмас, иш вақтининг ҳар соати, дақиқаси қимматлидир. Шунинг учун бу сўҳбатимизда бригадамиз барча аъзолари иштирок эта олмаяптилар. Чунки, деҳқонларимизнинг қўли-қўлига тегмайдиган палла. Эртаги картошкани илгари борича тезроқ йиғиштириб олиб, бу ерларга карам экишимиз лозим. Помидор теришга ҳам киришиш вақти келди. Кечки картошкамиз униб чиққан. Уни алоҳида парвариш қилиш талаб этилади. Бригадамизга 150 гектар майдон ажратилган. Коллективимизда эса атиги 50 киши бор.

Мендан шу ишчи кучи билан барча ишларни қандай уддалайсиз, деб сўрашади. Кўпчиликни, айниқса, юқори ҳосил етиштириш сирларимиз қизиқтиради.

Ҳаммаси одамларга, уларнинг аҳиллигига боғлиқ. Тер тўкканга — ер тўкади, дейишлари бежиз эмас. Сидқидилдан меҳнат қилинмаса, далага солинган қўшимча ўғитдан ҳам, сара уруғдан ҳам, бошқа воситалардан ҳам наф катта бўлмайди. Меҳнатга С. Бегалиев, Х. Қодирова, Н. Тостонова, Т. Рустамов ва бригадамизнинг бошқа аъзоларидек муносабатда бўлиш керак. Улар ҳар куни белгиланган нормани икки ҳисса ва ундан ҳам ошириб бажарадилар. Янада муҳими, уларнинг кўлидан ҳамма иш келади. Бу қишлоқ хўжалигида, айниқса сабзавотчиликда катта аҳамиятга эгадир. Деҳқонларимизнинг маҳорати барча агротехника тадбирларини ўз вақтида, кечиктирмай ўтказиш, асосий кучларни энг муҳим участкаларга жалб этиш имконини беради.

Меҳнатсеварлик деҳқоннинг асосий хусусияти бўлиши керак, деб ҳисоблайман. Бу хусусият бўлса, йил сайин тажриба, маҳорат ортади.

МУШТАРАК МАҚСАД

О. НУРМАТОВ: Область партия комитети томонидан маъқулланган ва газеталарда эълон қилинган социалистик мажбуриятларда «Беш йиллиқнинг дастлабки йилида ҳар гектар майдондан 200 центнердан сабзавот маҳсулотлари ва 250 центнердан картошка етиштирамиз, беш йилликни тўрт йилда бажарамиз», дейилган.

Эътибор берсангиз унда коллектив фикри ўз ифодасини топган. Ҳақиқатан ҳам шундай. Коллективимизда янги ошириллган мажбуриятларни муҳокама қилишдан аввал Анвар Эгамназаров биз, бригада совети аъзоларига мурожаат қилиб, ҳар бир далани синчиклаб кўздан кечириш, одамлар билан суҳбатлашиб чиқишни, ҳосилдорликни ошириш учун қандай имкониятлар борлиги тўғрисида мулоҳаза қилиб кўришни илтимос қилди. Шундан сўнгина пландаги 500 тонна ўрнига минг тонна картошка етиштириш, давлатга топширилганидан 1250 тонна кўп сабзавот сотишга қарор қилинди.

Аҳди борнинг — бахти бор. Эртаги карам етиштириш бўйича топшириқ икки баравардан ҳам ошириб бажарилди. Белгиланганидан беш ҳисса кўп саримсоқ пиёз етиштирилди. Редиска етиштириш топширигги 140 процент адо этилди. Ҳозирнинг ўзида давлатга юзлаб тонна эртаги картошка сотдик. Қолган ҳосилни йиғиштириб олиш ҳам уюшқоқлик билан олиб бориляпти.

Бригада совети аъзолари асосий диққат-эътиборни етиштирилган ҳосилни несобуд қилмай йиғиштириб олишга, ўз вақтида аҳоли дастурхонига тортиқ қилишга қаратганлар. Биз кечки экинлар экишни ҳам эътибордан четда қолдирмаяпмиз. Бу иш ўз вақтида бажарилиши, деҳқонлар унумли меҳнат қилишлари учун ҳамма шароитлар яратилишига катта аҳамият беряпмиз.

Бригадамизда ўзаро мусобақага ҳар беш кунда якун ясалади. Мусобақани ташкил этиш, унга ўз вақтида якун ясаш ҳам бригада совети аъзоларига топширилган. Бу мисолларнинг ўзи бригадамизда ҳамма ишлар коллектив иштирокида ҳал этилишидан далолат беради.

МЕҲНАТ ШУҲРАТИ

Т. ТОЖИЕВА: Мен узоқ йиллардан бери Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анвар Эгамназаров бошлиқ бригадада меҳнат қилишимдан фахрланаман.

Ўтган йили биз ҳар гектар майдондан 225 центнердан картошка олдик. Бу соҳада ўнинчи беш йиллик топшириғи 141,3 процент адо этилди. Бу илғор тажрибалардан самарали фойдаланишимиз натижасидир. Бунда бригада бошлиғимизнинг хизматлари катта.

Колхозимизда сабзавотчиликда ишлатиладиган дастлабки машиналар пайдо бўлган кезлар яхши эсимда. Даставвал деҳқонларимиз бу машиналарга ишонқирамадилар. Улар «Биз ҳамиша қарамни ҳам, помидорни ҳам қўлда экканмиз. Сабзавотчиликда машиналарни қўллаб бўладими?» дейишарди. Анвар Эгамназаров эса биринчи бўлиб сабзавотчиликни механизациялаш афзалликларини тушуниб етди. Биринчи машиналар бизнинг далаларимизда ишлай бошлади. Деҳқонларимиз сабзавотчиликни механизациялаш ташаббускорлари бўлдилар.

Бунга ҳам етти йил бўлди. Ҳозир сабзавотчиликда ишлатиладиган машиналар ҳар бир бригадада бор. Бироқ, бу соҳада бизнинг тажрибамиз кўпроқ. Шунинг учун ҳам кўрсаткичларимиз юқори.

Бригадамизда меҳнат унумдорлигининг ўсиши билан иш ҳақимиз ҳам ортди. Меҳнатда юқори кўрсаткичларга эришганлар эса ҳукумат орден ва медаллари билан тақдирланишяпти. Беш йиллик якунлари ва ўтган йилда эришган юксак кўрсаткичлари учун, жумладан, дугонам М. Умартоева учинчи даражали Меҳнат шуҳрати ордени билан мукофотланди. Мен ҳам ана шундай орденга лойиқ деб топилдим. Юксак мукофотни фидокорона меҳнатимиз билан оқлаймиз.

КИШИЛАР ТЎҒРИСИДА ПАРТИЯВИЙ ҒАМХЎРЛИК

А. МУРОДОВ: Турғуной Тожиева ҳақ. Ҳозир ҳар бир қишлоқ меҳнаткаши партиямиз аграр сиёсатини амалга ошириш учун ўз масъулиятини тушуниб етиши ғоят муҳимдир.

КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида қишлоқ аҳолиси ўртасида гоявий-тарбиявий ишларни янада кучайтириш, қишлоқ меҳнаткашларини қишлоқ хўжалигини ҳар тарафлама жадал ривожлантириш, дон, гўшт, сут, пахта, картошка, сабзавот ва бошқа маҳсулотлар етиштириш ҳамда давлатга сотишни кўпайтириш учун юксак масъулиятни ҳис этиш руҳида тарбиялаш зарурлиги уқтириб ўтилган.

Бригада дала шийпонида планли равишда олиб борилаётган оммавий-сиёсий ишлар ҳам ана шу муҳим вазифани ҳал этишга йўналтирилган. Сиёсий ахборотчилар Ҳ. Маҳмудов, Х. Иноятов сабзавоткорлар олдида мамлакатимиз ҳаётининг муҳим масалаларига бағишланган суҳбатлар билан чиқадилар. Коллективдаги ишлар тўғрисида эса агитатор П. Усмонов ахборот бериб туради.

Дала шийпонида деҳқонларнинг мириқиб ҳордиқ чиқаришлари ва маданий дам олишлари учун ҳамма шароитлар яратилган. Бу ерда бадиий ҳаваскорлар тез-тез концертлар қўйиб беришади. Дала меҳнаткашларига маиший, медицина, савдо хизмати кўрсатиш яхши йўлга қўйилган.

Биз дала шийпонининг жиҳозланиши шу кунинг талабларига жавоб бериши чораларини кўрдик. Айниқса, кўргазмали агитация воситалари таъсирчан ва сафарбар этувчи кучга эга бўлишига ҳаракат қилдик. Мусобақа кундалиги тахтаси ўз вақтида тўлдириб борилади.

Бир сўз билан айтганда, биз дала шийпонида кишилар ўзларини уйдагидек ҳис этишлари, улар ғамхўрлик билан чулғаб олинишлари учун ҳаракат қиляпмиз. Бу коллективни жипслаштиришга, ҳар бир кишининг умумий иш учун масъулият ҳиссини оширишга хизмат қиляпти. Бу эса бригада коллективи ва хўжалик барча меҳнаткашларининг КПСС XXVI съезди қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни муваффақиятли бажаришларининг асосий омилидир.

Суратда: давра суҳбати қатнашчилари (чапдан ўнгга) А. Муродов, Ҳ. Иброҳимов, А. Эгамназаров, О. Нурматов, Т. Тожиева ва М. Умартоевалар.

А. Абалян фотоси.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида

ФАБРИКА МАРКАСИ ШАРАФИ УЧУН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати билан Самарқанддаги «8 Март» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишлаб чиқариладиган маҳсулотининг техник даражаси ва сифатини ошириш, ўн биринчи беш йилликда олий сифат категориясидаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш борасидаги социалистик мажбуриятлари тўғрисида қарор қабул қилди.

КПСС XXVI съездининг ҳужжатларида олга сурилганидек ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳамма турлари сифатини бутун чоралар билан ошириш, буюмлар хилини кўпайтириш ва янгилаш вазифасини республика меҳнаткашлари янги техника ва илғор технологияни, фан-техника тараққиёти ютуқларини кенг кўламда жорий этиш асосида олий сифат категориясидаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни бундан буён ҳам муттасил кўпайтириб бориш программаси, деб қабул қилдилар, дейилади қарорда.

Ўнинчи беш йилликда Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатининг коллективи шу соҳада муайян муваффақиятларга эришди: 1980 йилда Сифат белгисини олган маҳсулот салмоғи 27 процентдан ошиб кетди. Комбинатда сифатни бошқариш комплекс системасини кенг кўламда жорий этиш, корхонани техника жиҳатдан актив қайта қуроллантириш, 25 та ихтиро ва 2380 та рационализаторлик таклифларини жорий этиш натижасида шунга эришилди. «Сифат белгисини олган буюмдан — Сифат белгисини олган цехгача» деган шиор остида ўтказилган социалистик мусобақа буюмларнинг техника даражаси ва сифатини оширишда муҳим роль ўйнади. Иккинчи металлургия цехининг коллективи шу мусобақага кўшилиб, 95 процент маҳсулот фахрий беш бурчак тамга билан чиқарилишига эришди.

Самарқанд тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи ўнинчи беш йилликда 8 хил янги буюм ва 227 янги моделларни ўзлаштирди, сифат белгисини олган маҳсулот салмоғи 40 процентга етди. «Н» (Янгилик) индекси кўйилган маҳсулот ишлаб чиқариш тўрт баравар кўпайди. 96 дона серунум машина-ускуналар ҳамда 12 агрегат-группа потоклари, маҳсулот сифатини бошқариш комплекс системасини жорий этиш, фабрика маркаси шарафи учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириш, илғор тажрибаларни жорий этиш, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада формасига ўтишни 1983 йилгача нихоясига етказиш асосида 1981 йилда сифат белгисини олган маҳсулот ишлаб чиқаришни ишлаб чиқариш жами ҳажмининг 45 процентига қадар, 1985 йилга борганда эса камида 55 процентга қадар етказиш мўлжалланади. Аҳолининг ғоят сифатли кийимкечакка бўлган эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш мақсадида бирлашма шу йил Каттақўрғон шаҳридаги филиалини техник жиҳатдан қайта қуроллантиради ва унинг қувватини икки баравар оширади, яқин йиллар ичида область районларида яна тўртта филиал очади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати билан Самарқанддаги «8 Март» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективларининг ишлаб чиқарилувчи маҳсулот техник даражаси ва сифатини ошириш ва олий сифат категориясидаги маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш борасидаги социалистик мажбуриятларини маъқуллади. Тошкент ва Самарқанд область партия комитетлари, Чирчиқ ва Самарқанд шаҳар партия комитетлари олий сифат категориясидаги маҳсулот чиқариш ҳажмини тагин ҳам кўпайтиришда, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда, маҳсулот сермеҳнатлиги ва унга материал кетишини камайтиришда, фан ва техника ютуқларини жорий этиш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдиришда Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати ва Самарқанддаги «8 Март» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг партия, касаба союз, комсомол ташкилотларига, маъмуриятига ҳар томонлама доимий ёрдам бериб турсинлар. Меҳнат коллективларидаги ташкилотчилик ва гоявий-тарбиявий ишлар, зиммага олинган ишлар остидаги мусобақани кенг қулоч ёйдириш, илғор тажрибаларни жорий этиш, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада формасига ўтишни 1983 йилгача нихояси билан етказиш асосида 1981 йилда сифат белгисини олган маҳсулот ишлаб чиқаришни ишлаб чиқариш жами ҳажмининг 45 процентига қадар, 1985 йилга борганда эса камида 55 процентга қадар етказиш мўлжалланади. Аҳолининг ғоят сифатли кийимкечакка бўлган эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш мақсадида бирлашма шу йил Каттақўрғон шаҳридаги филиалини техник жиҳатдан қайта қуроллантиради ва унинг қувватини икки баравар оширади, яқин йиллар ичида область районларида яна тўртта филиал очади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати билан Самарқанддаги «8 Март» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективларининг ишлаб чиқарилувчи маҳсулот техник даражаси ва сифатини ошириш ва олий сифат категориясидаги маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш борасидаги социалистик мажбуриятларини маъқуллади. Тошкент ва Самарқанд область партия комитетлари, Чирчиқ ва Самарқанд шаҳар партия комитетлари олий сифат категориясидаги маҳсулот чиқариш ҳажмини тагин ҳам кўпайтиришда, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда, маҳсулот сермеҳнатлиги ва унга материал кетишини камайтиришда, фан ва техника ютуқларини жорий этиш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдиришда Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати ва Самарқанддаги «8 Март» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг партия, касаба союз, комсомол ташкилотларига, маъмуриятига ҳар томонлама доимий ёрдам бериб турсинлар. Меҳнат коллективларидаги ташкилотчилик ва гоявий-тарбиявий ишлар, зиммага олинган ишлар остидаги мусобақани кенг қулоч ёйдириш, илғор тажрибаларни жорий этиш, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада формасига ўтишни 1983 йилгача нихояси билан етказиш асосида 1981 йилда сифат белгисини олган маҳсулот ишлаб чиқаришни ишлаб чиқариш жами ҳажмининг 45 процентига қадар, 1985 йилга борганда эса камида 55 процентга қадар етказиш мўлжалланади. Аҳолининг ғоят сифатли кийимкечакка бўлган эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш мақсадида бирлашма шу йил Каттақўрғон шаҳридаги филиалини техник жиҳатдан қайта қуроллантиради ва унинг қувватини икки баравар оширади, яқин йиллар ичида область районларида яна тўртта филиал очади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати билан Самарқанддаги «8 Март» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишлаб чиқарилувчи маҳсулот техник даражаси ва сифатини ошириш ва олий сифат категориясидаги маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш борасидаги социалистик мажбуриятларини маъқуллади. Тошкент ва Самарқанд область партия комитетлари, Чирчиқ ва Самарқанд шаҳар партия комитетлари олий сифат категориясидаги маҳсулот чиқариш ҳажмини тагин ҳам кўпайтиришда, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда, маҳсулот сермеҳнатлиги ва унга материал кетишини камайтиришда, фан ва техника ютуқларини жорий этиш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдиришда Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати ва Самарқанддаги «8 Март» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг партия, касаба союз, комсомол ташкилотларига, маъмуриятига ҳар томонлама доимий ёрдам бериб турсинлар. Меҳнат коллективларидаги ташкилотчилик ва гоявий-тарбиявий ишлар, зиммага олинган ишлар остидаги мусобақани кенг қулоч ёйдириш, илғор тажрибаларни жорий этиш, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада формасига ўтишни 1983 йилгача нихояси билан етказиш асосида 1981 йилда сифат белгисини олган маҳсулот ишлаб чиқаришни ишлаб чиқариш жами ҳажмининг 45 процентига қадар, 1985 йилга борганда эса камида 55 процентга қадар етказиш мўлжалланади. Аҳолининг ғоят сифатли кийимкечакка бўлган эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш мақсадида бирлашма шу йил Каттақўрғон шаҳридаги филиалини техник жиҳатдан қайта қуроллантиради ва унинг қувватини икки баравар оширади, яқин йиллар ичида область районларида яна тўртта филиал очади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати билан Самарқанддаги «8 Март» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективларининг ишлаб чиқарилувчи маҳсулот техник даражаси ва сифатини ошириш ва олий сифат категориясидаги маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш борасидаги социалистик мажбуриятларини маъқуллади. Тошкент ва Самарқанд область партия комитетлари, Чирчиқ ва Самарқанд шаҳар партия комитетлари олий сифат категориясидаги маҳсулот чиқариш ҳажмини тагин ҳам кўпайтиришда, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда, маҳсулот сермеҳнатлиги ва унга материал кетишини камайтиришда, фан ва техника ютуқларини жорий этиш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдиришда Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати ва Самарқанддаги «8 Март» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг партия, касаба союз, комсомол ташкилотларига, маъмуриятига ҳар томонлама доимий ёрдам бериб турсинлар. Меҳнат коллективларидаги ташкилотчилик ва гоявий-тарбиявий ишлар, зиммага олинган ишлар остидаги мусобақани кенг қулоч ёйдириш, илғор тажрибаларни жорий этиш, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада формасига ўтишни 1983 йилгача нихояси билан етказиш асосида 1981 йилда сифат белг

ОБЛАСТЬ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИ КЕНГАШИГА

ИЛҒОРЛАР ТАЖРИБАСИ — ҲАММАНИНГ МУЛКИ

МАҲСУЛДОРЛИК НЕГИЗИ

Ғўза — қуёш фазанди. У офтобдан баҳра олиб, сувга қонса тез ривожланади, мўл ҳосил нишоналарига бурканади. Бу биз, сувчилар зиммасига ҳам етиштириладиган баракали ҳосил учун катта масъулият юклайди.

Бригадамиз сувчилари буни тўла ҳис этган ҳолда ҳар бир туп ғўзани сувга қондириш учун кечаю-кундуз пахтазорларда эгат оралаяптилар, далаларга оби-ҳаёт етаклашяпти. Ҳозир ғўзани иккинчи суғоришни ниҳоясига етказяпмиз. Суғоришни группа усулида ташкил этганмиз.

СУВЧИ МАСЪУЛИЯТИ

Ғўзани чилла сувига қондиришда хосият катта. Чунки бу даврга келиб экинни минерал ўғитлар билан озиқлантириш тугалланади. Сувга қонган ниҳоллар эса озуқадан тўла баҳраманд бўлади. Тез ўсиб, кўчатлардаги шона ва гуллар кўпаяди.

Саратон пайтида тунги суғоришни пухта ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор берямиз.

Иккинчи суғориш билан бирга пахта далаларига «шарбат» оқизяпмиз. Бу ғўзага қувват бўлиши билан бирга ликда тупроқдаги намни узоқ сақлаш имконини берадиган.

Бригадамиз коллективи бу йил 300 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» етиштиришга аҳд қилганлар. Далаларда юксак мажбуриятга яраша мўл ва эртаги ҳосил етиштириш учун кучи-ғайратимиз, тажрибамизни аямаймиз. Фақат шу ишнинг ўзида ғўзани икки марта қондириб суғоришга эришамиз.

Қ. ФАЙЗИЕВ,
Коммунистик районидаги «Политотдел» колхозининг 8-бригадаси сувчиси.

Апрель ойи бошидан совхозимиз фермасида сигирлардан соғиб олинаётган сут кунига 200—250 килограммга кўпайди. Бу бежиз эмас эди, албатта. Гап шундаки, кузда 30 гектар майдонга эккан жавдари ўриб, молларга бера бошлаган эдик. Оғзи кўкка теккан говмушлар маҳсулдорлиги сезиларли даражада ортди.

Ҳа, маҳсулдорликни ошириш сигирлар боқимига боғлиқдир. Буни яхши билган чорвадорларимиз молларни кўк масса билан боқиш муддатларини узайтириш, умуман, мустаҳкам озуқа базаси барпо қилиш чораларини кўраётгандар.

Совхозимизда 110 гектар эски, 30 гектар янги бедазорлар бор. Биз ем-хашак етиштиришни ихтисослаштирямиз. Абдусамад Аҳадов бошлиқ бригада коллективи беда етиштириш билан шуғулланади. Уларга зарур миқдорда техника воситалари, ўғитлар ажратиб берилади. Ихтисослаштириш яхши самара беряпти. Ўтган йили бригада озуқакорлари ҳар гектар майдондан 217 центнердан беда пичани йиғиштириб олдилар. Бу йил эса беда ҳосилдорлигини 220 центнерга етказишни мўлжаллашган.

Улар ваъдаларига яраша меҳнат қиляптилар. Бедазорлар эрта баҳорда сифатли парваришланиши, минерал ўғитлар билан озиқлантирилганлиги туфайли биринчи ўримданоқ ҳар гектар майдондан 70 центнердан пичан олинди. Ҳозир беданинг иккинчи ўрими ҳам тугалланиб қолди.

Бригада коллективи бу йил бедаларни камида олти марта ўриб олиш, шу ҳисобга сенаждан ташқари 700 тонна беда пичани жамғариб қўйиш учун курашяпти.

Чорва моллари озуқа рационни хилма-хил бўлиши чораларини ҳам кўряпмиз. Бу йил, шунингдек, 600 тонна сомон, 400 тонна табиий пичан жамғариш, 4300 тонна силос бостириш, 800 тонна хашаки лавлаги, 85 тонна витаминли ўт талқони тайёрлаш кўзда тутилган. Бу, совхозимизда, икки йиллик план миқдорида ем-хашак жамғарилади, деган гап. Ҳозиргача табиий ўтлардан 200 тонна пичан ғарамлаб қўйдик.

МУРОЖААТГА АМАЛИЙ ЖАВОБ

Хўжалигимизда маккажўхори етиштириш ҳам ихтисослаштирилган бригадалар зиммасига юклатилган. Силос учун маккажўхори етиштириш билан Абдуғаффор Расулов бошлиқ бригада ишчилари шуғулланишяпти. Улар бу йил ҳар гектар майдондан 700 центнердан кўк поя олиш учун «дала малакаси» парваришини қизғин давом эттирмоқдалар. Қўқон Толибохунов бошлиқ бригада коллективи эса ҳар гектар ердан 100 центнердан «кахрабо дон» етиштириш мажбуриятини олган.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг Мурожаатида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш, бунинг учун озуқа базасини мустаҳкамлаш зарурлиги алоҳида таъкидланади. Мурожаатга амалий жавоб беришга аҳд қилган совхозимиз меҳнаткашлари ҳам ем-хашак етиштиришни кўпайтириш асосида эл дастурхонини чорвачилик маҳсулотларига тўкин қилишга муносиб ҳисса қўшиш учун курашяптилар. Улар ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилида ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сут миқдорини 641 килограммга кўпайтириб, 4 минг килограммга етказишни режалашган. Говмушлар тўйимли ем-хашак билан боқилаётганлиги туфайли уларнинг маҳсулдорлиги ортиб боряпти. Фермамиз ходимлари ҳозирнинг ўзида ҳар бир сигирдан ўтган йилнинг шу даврига қараганда 250 килограммдан кўп сут соғиб олдилар. Сут етиштириш ва давлатга топшириш ярим йиллик плани муддатидан илгари ўринланди. Давлатга тухум топшириш планини эса 200 процент адо этиб қўйганмиз.

Сут-товар фермамиз коллективи ўртасида сигирлар маҳсулдорлигини ошириш учун социалистик мусобақа кенг қулоч ёйган. Бу меҳнат беллашуви пешқадамлари Мавлуда Абдувалиева, Ўктам Фатҳуллаевалар 1981 йилда говмушларидан 4500—5100 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олиш учун курашаётгандар. Уларнинг ташаббуси барча чорвадорларимиз томонидан яқдиллик билан қўллаб-қувватланяпти.

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини изчил амалга ошириш учун курашаётган совхозимиз чорвадорлари моллар маҳсулдорлигини ошириб, сут ва тухум етиштиришни янада кўпайтирадилар. Бунинг учун чорва молларига мўл ва тўйимли ем-хашак жамғарилишини таъминлаймиз.

Т. ТЎХТАБОЕВ,
Тошкент районидаги «Тошкент» совхозининг директори.



● Н. МАҲМУДОВ 35 йилдан бери пахтачилик бригадасига бошчилик қилади. Унинг далаларидаги ғўзалар Бекобод районидаги «КПСС XXV съезди» совхозининг бошқа бригадаларидагига нисбатан барвақт гуллай бошлади. Суратларда: Н. Маҳмудов ва механизатор М. Файзиев; қуйида ғўзаларга ишлов бериш пайти.

КАРТОШКА МАЙДОНЛАРИДА МАШИНАЛАР

ОРЖОНИКИДЗЕ районидаги «Маданият» колхозининг Т. Егоров бошлиқ ихтисослашган звеносида ҳар гектар майдондан бу йил уч юз центнер сара картошка кавлаб олинмоқда. Бу — планда белгиланганидан 2,5 баравар кўп.

Умуман колхозда картошка ҳосили чакки эмас. Хўжаликда картошка етиштириш саноат негизига ўтказилган.

Бу йил хўжаликнинг машина парки картошка кавлаб оладиган янги комбайнлар билан тўлдирилди.

Комбайнчи М. Жуманов колхозда энг юқори меҳнат унумдорлигига эришди: у ҳар куни 15 тоннадан картошка кавлаб олмоқда. Бу, эса нормада белгиланганидан икки баравар кўп. Илгор механизатор мавсум давомида машина бункеридан 800 тонна картошка бўшатиш ва шу тариқа юз кишининг машаққатли ишини бажариш мажбуриятини олди.

(ЎзТАГ).

● Ҳабиба ДАВРОНОВА Бекобод районидаги Ленин номли колхознинг илғор сут соғувчиларидан биридир. У бу йил ўз боқимидаги сигирларнинг ҳар биридан 5 минг литрдан сут соғиб олиш учун курашмоқда.

А. Қорабеков фотолари.

БЕШ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ

ОЛТИН ШУЪЛАЛАР

БАЛАНД ерга жойлашган дала шийпонидан чор атроф кафтдек кўзга ташланиб туради. Шу бонсдан ҳам бу ерга ташриф буюрган киши бир зум тек қолиб, борлиққа маҳлиё бўлиб тикилади. Мана ҳозир ҳам икки суҳбатдош олислардан кўз узолмаяпмиз. Тонгда шивалаб ўтган ёмғир дуркун ғўзалар юзини ювиб, ям-яшил далаларга янада оро берган. Саратон қуёшининг кўзни қамаштирувчи ўткир ва қайноқ энёсида борлиқ худди орзудагидек ўзгача чирой ва нашъали тароват кашф этган.

Суҳбатдошим Неъмат Муродов ҳақида жуда кўп эшитганман. Кимсан, колхознинг довруғи довон ошган азамат механизаторларидан. Машина рулига ўтирганига ҳам йигирма беш йил бўлибди. Шундан етти йил «Универсал», саккиз йил «Белорусь» бошқарибди. Сервиқор «зангори кема»сини сира канда қилмайди. Унга бир умр ичикиб қолган. Умуман у ўтирмаган, ўз ишига юргазмаган колхозда бирон техника қолмаган, десак муболаға бўлмас. Уни «техника тилмочи» дейишлари ҳам ҳудди ана шундан...

Гапимиз гапимизга қовушиб, икки ўртадаги суҳбат мавзуси дала ишлари хусусига кўчганда ҳамроҳим ўзига хос бир тўлқинланиш билан сўз бошлади. Унинг қорамағиз очиқ чеҳраси дафъатан менга саратон қуёшида ял-ял ёнган бепоён пахта даласи ва унда наъра тортиб сузиб юрган тракторнинг дарғасини эслатди. Назаримда шу топда дилимда икки қарама-қарши куч шафқатсиз тўқнашгандай эди: инсон ва саратон жазирамаси. Мен бу жўмбоқ сиримни яна ҳамроҳим қиёфасидан изладим. Не-не саратон жазирамаларини кўрган, шўртам терга пишса-да, даласини тарк этмаган, офтоб яллиғида обдон қорайган бу фидоий заҳматкаш чеҳрасидаги меҳнат асорати қанчалар табаррук. Уни на куз, на баҳор ёмғири ва на қаҳратон қиш изғирини, оппоқ қор ювиб ташлолмаганига ҳайронман. Зотан , уни ювиб ташлаб бўлармиди. Ахир бу — ҳаёт шафқати, меҳнат мантлайга солган тенгсиз ҳусни ҳол-ку. У сабардаст деҳқон қиёқ қўлларида, шаффоф нур эмган ёркин чеҳраларда абадий яшайди.

— Жазирама ёз кунлари эди, — деб ҳикоя қилади Неъмат Муродов, — навбатдаги картага ишлов бериб бўлгач, бироз нафас ростлаш учун баланд ўсган ғўзалар соясига ёнбошладим. Яшириб қўйган ёримдан яхна чой ичишни олиб мириқиб-мириқиб симирдим. Шундан сўнг дуркун ғўза тупларига завқим келиб, шиғил кўсакларни бир-бир санармаким, кўсак лабини кемираётган ноъмалум ҳашаротга кўзим тушиб қолди. Ёнимдан гугурт қутичасини чиқариб, қушандани эҳтиёткорлик билан унинг ичига жойладим. Қош қорайгач, ишни тугатиб ўлжа билан тўғри агроном-энтемолог Ҳаким Шодмонов ҳузурига кириб бордим.

— Сенга семиз бир бўрдоқи қўй етаклаб келдим,— дедим дабдурустдан энтемологга. У аввал нима гаплигига тушуна олмай бошарамга ағдарилиб қараб турди. «Қанақа қўй?» — деди сўнг хушини йиғиб. Мен чўнтагимдан гугурт қутичасини чиқариб олдига қўйдим. «Эҳтиёт бўл, тагин қўйни қочириб юборма» — деб огоҳлантирдим. Номаълум ҳашаротга Ҳакимнинг кўзи тушди-ю, ҳайрати яна ўн чандон ортди.

— Қаердан олдинг? —деди жон ҳолатда.

—Мақка даласига қўшни қартадан, — дедим энди ҳазилни йиғиштириб. — Хавфлими?!

— Хавфлими ҳам гапми? Ҳосилнинг нақ душманини қўлга туширибсан-ку, ўртоқ.

ЛАВҲА

— У шундай дедию, ташқарига югурганича чиқиб кетди. Шу куни мазкур далада ярим тунгача тракторларнинг ҳайқириғи баралла эшитилиб турди.

Неъмат Муродов асли шунақа, бесҳаловат одам. Баъзиларга ўхшаб: «бу менинг ишим эмас» деб ўзини четга олишни, умум муваффақияти учун жонин-отим қайғурмаслики ор деб тушунади. Шунинг учун ҳам ҳар бир ишнинг меҳр кўри, шафқатидан баҳраманд. У сувчи, ҳосил ҳимоячисига ҳамиша кўмакдош.

Сувчининг меҳнати — бу санъат. Агар у бу вазифани маҳорат билан ўринлай олса, ғўза парваришида вақтида ҳам ернинг шўрини ювиш мумкин, механизаторнинг меҳнати ҳам осон кўчади.

Майин тупроқ намни яхши сақлайди. Кесакли тупроқ эса намни қочиради. Ғўза ривожи пайтида қатор ораларини камида 18 сантиметр чуқурликда юмшатиш мақсадга мувофиқдир, яъни эгатдан батқоқлаб юриш керак. Бунинг учун трактор ишчи органлари ана шунга пухта созланиши ва у мунтазам назорат қилиб борилиши лозим. Учинчи сувдан кейин, яъни август ойи бошларида кесакли культивацияга ўтилади. Чунки бу вақтда экин авж олиб ўсган, қалинлашган ва ер юзасини қуёш нуридан тўсиб қўйган бўлади. Кесакли культивация иссиқни яхши тортиб, ҳосил ниҳоналарининг тез етилиб, эрта пишишига олиб келади. Бунда трактор олд ва орқа ишчи органларининг ўрни алмаштириб қўйилса кифоя. Яъни олдинга олинган орган эгат ўртасини юмшатиб кетса, кейинги текислаб кетади. Бу агротехник тадбир машина теримига ҳам жуда яхши шароит яратади.

...Устозлари бу фазилат шогирдларига ҳам ўтган. Нуриддин Нуралиев, Абдулла Омонтоев, Раҳмон Сандов, Пардабой Раҳмонов сингари ўнлаб шогирдлари бугунги кунда юқори ҳосилли звеноларни уддабурроллик билан бошқаришяпти. Бир вақтлар ҳосилдорлик 12 центнердан ошмаган ерлардан улар бу йил — ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилида камида 50—55 центнердан «оқ олтин» хирмони уюшмоқчи. Зарбдор ҳозирги кунларда ишнинг кетиши, далаларда тўпланаётган ҳосил чўғи юксак мажбуриятга яраша.

Деҳқон — нозик таъб заргар. Тажрибали, эукко механизатор Неъмат Муродов ана шу оиланинг шонли аъзоси. Билимдон, меҳрибон дарга, мураббий. Унинг кўлида тарбия олиш, иш ўрганиш ҳар бир ёшнинг ният, орзуси. Шунинг учун ҳам механизаторлик курсини битирганлар тўғри унинг ҳузурига боришади. Бульдозерчи Ғофур Ражабов, механизаторлар Парда Имонов, Саъдулла Набиев, Бозоргон Сидиқов ва бошқалар устознинг бугунги ёш шогирдларидир.

— Шогирдларга нисбатан у жуда талабчан, — дейди колхоз раиси С. Саймоқов. — Ёшларнинг анчайин раъйига қулоқ солиб ўтирмайди. Ишни дастлаб ҳайдов тракторидан бошлайди. Бундай қилишда ажиб мантиқ бор. Авваламбор ҳайдов трактори аста юради, бошқариш осон. Иккиламбор ҳайдов тракторида техникани тўғри ва равон бошқарини малакасини пухта эгаллаш мумкин. Айни вақтда шогирд ер ҳайдаш, борона солишда яхши кўникма ҳосил қилади, техникани ардоқлашни ўрганади. Зотан, пахта майдонида тракторни бошқариш мураккаб, масъулиятли, айни пайтда жуда нозик иш. Биронта ниҳолга заррача ҳам зиён етказмаслик, уни кўз қорачиғидек асраш, авайлаш учун техникани ниҳоятда аниқ ва равон бошқариш талаб этилади.

...Ҳа, донгдор механизаторнинг тажриба мактаби бугунги кунда жуда кўпларнинг бебаҳо мулки. Унинг шаънини кўкларга кўтараётган ҳам, эл-юртга таниталётган ҳам ана шу мулк, ана шу ҳалол меҳнат маҳсули. Далада тўкилган тердан у беқиёс қадр топди, бахт топди. Кўксини безаган кўш Меҳнат Қизил Байроқ ордени, шода-шода ғолиблик медаллари, қиндигина Тошкентдан ғурур билан тақиб, қайтган Ленин орденида жилоланган нур — асли «оқ олтин» шуъласи эмасми?!

Н. ҲИҚМАТУЛЛАЕВ.
Бўка районидаги «Коммунизм» колхози.

ХИРМОНГА БАРАКА

ПАРКЕНТ РАЙОНИДАГИ «КОММУНА» СОВХОЗИ МЕХАНИЗАТОРЛАРИ ҒАЛЛА ЎРИМ-ИЙҒИМИНИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ОЛИБ БОРМОҚДАЛАР

БАЛАНД-ПАСТ қир-адирлар бўйлаб тасмадек чўзилган асфальт йўл бир-зумда бепоён ғаллазорларга элтади. Баҳор ёмғири-ю, саҳий қуёш нурига обдон тўйинган бўлиқ олтин бошоқлар баракали ҳосилни кутара олмаётгандек қуйи эгилганча, тоғ шабадасида вазмин чайқалади. Атрофга ҳавас билан боқамиз. Совхоз бош агрономи Меҳриддин Бадалов ҳам қувончини яшира олмайди.

— Лалмикор ерларда ҳар йили шундай баракали ҳосил етиштириш мумкин бўлавермайди, — деди у икки-уч бошоқни олиб кафтларида эзар экан. — Донининг йириклигини, тўқлигини қаранг.

Шу пайт тепалик ортидан моторларнинг кучли гуруллаган овози эшитилди. Зум ўтмай, тепалик устида кетма-кет учта «Нива» комбайни пайдо бўлди. Улар 20 метр чамаси қуйига юргач, чап томонга бурилиб, қиялик бўйлаб оҳиста суза бошлашди.

— Ғаллазорларимизнинг ҳаммаси тоғ ён бағриларида жойлашган, — изоҳ беради бош агроном. — Комбайнларни бошқариш жуда мураккаб. Шунинг учун ўрим-йиғимни бошлаш арафасида ҳар бир комбайнга тажрибали механизаторларни бириктириб, улар учун ёрдамчилар ажратамиз. Ана шу ғалла ўраётган комбайнчиларимизнинг ҳаммаси бундай оғир шароитларда ўз агрегатларини бошқаришнинг ҳаддини олишган. Олдинда бораётган комбайнни Бўрон Йўлчиев бошқаряпти. Ғайратли, уддабурон йигит. Энг хавфли қиялиқларда комбайнни моҳирона бошқаришда унга тенг келадигани йўқ. Кейинги комбайн штурвалида Ўктам Раҳимбоев. Асли шофёр. Ҳар йили ғалла ўрими бошланганида шахсий ташаббус кўрсатиб, комбайнчиларга ёрдамга келади. Бу йил ҳам юк машиналарини гаражга қўйиб, комбайнни биринчилар қатори ғаллазорга олиб чиқди.

Комбайнларнинг бункери тўлгач, юк машиналарига бўшатишди. Фурсатдан фойдаланиб улар билан гурунглашдик. Ҳамманинг кайфияти чоғ. Ўзлари бажараётган иш натижаларидан мамнун эканликлари тайрат-шижоатларидан яққол сезилиб турибди.

— Совхозимиз раҳбарлари ғаллазордаги оғир шароитни ҳисобга олиб бир комбайн учун кунлик норматив беш гектар қилиб белгилашди, — дейди Бўрон Йўлчиев. — Аммо, Маҳкам Ғаниев, Сайри Холхўжаев сингари ҳамкасбларимиз 8—10 гектарлаб ўришяпти. Дастлабки беш кунлик якуни бўйича улар мусобақа ғолиби бўлишди. Бу беш кунликда Ўктам Раҳимов билан иккимиз ҳам улардан қолишмаяпмиз. Сурётни бўшаштирмасак, бу сафар мукофот бизники бўлади, албатта.

— Тушлик пайти бўлди, гурунгни шийпонда давом эттирсак, — таклиф қилди совхоз партия комитетининг секретари Мақсуд Шарипов.

Дала шийпони тепадикнинг остидан оқиб ўтаётган катта ариқ ёқасига қурилган экан. Сув бўйидаги қалин тол дарахтлари остига қатор тахта сўрилар ўрнатилиб, кўрпачалар тўшалган. Теварак-атрофдан хушбўй райҳон ҳиди уфуради. Катта қозонда қайнаб турган шўрванинг ёқимли иси димоққа урилади. Ошпаз Адаш ака Абдуллаев ҳаммани сўриларга таклиф этди.

Тушлик пайтидаги суҳбат давомида партком секретари ғалла ўрим-йиғимида иштирок этаётганлар учун яратиб берилган шароитлар, социалистик мусобақа шартлари ҳақида сўзлаб берди. Комбайнлар тонг гира-ширасида иш бошлаб, бир-икки бункер ғалла бўшатгач, шофёрлар ва комбайнчилар шийпонда нонушта қилиб оладилар. Сўнг кун қизиб кетгунча ўрим-йиғим тўхтовсиз давом этади. Тушликда мазали таомдан сўнг салқинда бироз хордиқ чиқаришади. Шу зайлда иш икки сменада давом этади. Кечқурун ҳам шийпонда иссиқ овқат тайёрланади. Комбайнчилар шу ерда тунаб қолишади. Шунинг учун ҳам ўрим суръати жадал боряпти.

Бундан ташқари совхоз дирекцияси, партия ва касаба союз ташкилотлари комбайнчилар ва шоферлар ўртасида мусобақани кенг қулоч ёйдиришган. Беш кунда 50 гектар майдондаги ғаллани ўришга эришган экипажга кўчма Қизил байроқ ва 50 сўм пул, 40 гектар ғалла ўрган экипаж аъзоларига эса 40 сўм пул мукофоти берилади.

Мавсум сўнггида социалистик мусобақага умумий якун ясалади. Жами 200 гектар ғаллани ўриб берган комбайнчи иттифоқ шаҳарлари бўйлаб саёҳат қилиш учун, унинг ёрдамчиси эса дам олиш уйига бепул йўлланма билан тақдирланадилар. Бундан ташқари совхоз маъмурияти ғолиб экипаж аъзоларини исми-шарифлари ёзилган қўл соати билан мукофотлайди.

Ҳозирги кунда совхоз ғаллазорларида саккизта комбайн икки сменада ишлаб турибди. 6 та пресподборщик тайёрлаб берётган сомонни 170 киши пешма-пеш хўжалик фермасига ташиб турибди.

Совхоз ғаллакорлари бу йил пландаги 1021 тонна ўрнига жами 1575 тонна дон етиштириш мажбуриятини олишган. Улар 955 гектар майдондаги бугдой ҳосилини 20 иш кунида ўриб-янчиб олиш учун барча имкониятларни ишга солган ҳолда меҳнат беллашувини қизғин давом эттирмоқдалар...

А. ЙЎЛДОШЕВ.

●

Суратларда: совхоз ғаллазорларида ўрим-йиғим пайти; тажрибали механизатор Бўрон Йўлчиев.

А. Абалян фотолари.

ҲАМ ДОН, ҲАМ ОЗУҚА

ҲОЗИР маккажўхоризорларимизда бўлган киши донга тўлаётган сўталарни кўриши мумкин. Бу бригадамиз ишчиларининг ғайрат-шижоат билан қилган меҳнатлари самарасидир. Биз ҳам областимиз илғор маккажўхорикорларининг ташаббусига қўшилиб, бу йил 60 гектар майдонинг ҳар гектаридан 100 центнердан «кахрабо дон» етиштириш мажбуриятини олганмиз.

Ўрта баҳорда далаларимизга юқори ҳосилли «ВИР-80» навли маккажўхори уруғини қададик. Ер бетини яшил майсалар қоплаши билан маккажўхори парваришини кучайтириб юбордик. Механизаторларимиз экинни уч марта культивация қилишди. Ҳар гектар майдонга 150-200 килограммдан минерал ўғитлар ва кўплаб гўнг солинди. Маккажўхорини қондириб суғоришга ҳам алоҳида эътибор бердик.

Шу туфайли далаларда аҳдимизга яраша юқори ҳосил етиштирямиз. Ҳозирнинг ўзида ҳар тупда 2-3 тадан сўта саналиб мумкин. Уларни донга тўлдириш учун парваришни қизғин давом эттирямиз.

Бригадамизда маккажўхорини ўриб-йиғиб олишга тайёргарлик ҳам ниҳоясига етяпти. Механизаторларимиз комбайн ва транспорт тракторларини ремонт қилишни тугаллаб қўйдилар. Ҳосилни йиғиштириб олишни қисқа муддатда ўтказиш учун конкрет тадбирлар белгиладик.

Биз «кахрабо дон» етиштириш билан бирга ҳар гектардан камида 500 центнердан кўпроқ олишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Бу эса чорвачилик озуқа базасини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ш. САРИМСОКОВА.
Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхози маккажўхоричилик бригадаси бошлиғи.



ҲАМИША ҲАМРОҲ

РЕПОРТАЖ

Дилрабо қўшиқ, жозибали рақс ва куйни ким севмайди, дейсиз. Бугунги кунимизда яратиш, яшнатиш завқи ҳукмрон экан, қалбимиздаги мислсиз эзгуликларни ана шу куй ва қўшиқларга мужассамлаштирганмиз. Янгийўл шаҳрининг А. С. Пушкин номли маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган қўшиқ байрами шу жиҳатдан чинакам санъат шодиёнасига айланиб кетди.

Кўм-кўк дарахтлар, анвойи гуллар, ранго-ранг электр чироқлари ёғдуси оромгоҳ ёнада кўркамлик бахш этган. Юзлаб ишчи-хизматчилар, партия ва совет ходимлари, комсомол ёшлар бу ерга областимиз бадиий ҳаваскорлари коллективлари голибларининг якунловчи концертини томоша қилишга тўпланишган.

Тантанали кечани область маданият бошқармасининг бошлиғи В. А. Емцов очди.

Ёш санъаткорларни қутлаш учун сўз олган Янгийўл шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари Р. Р. Салимов бугунги ҳаёт фаровонлиги, партиямиз белгилаган тараққиёт программаси бутунича инсон бахти ва унинг маънавий камолотига қаратилганини таъкидлади.

Янгийўл шаҳрида ҳам санъатга меҳр қўйган ёшлар йиллан-йилга кўпайиб бормоқда. Ҳозир мавжуд ўн бешта бадиий ҳаваскорлик коллективида юздан ортиқ йигит-қизлар ўз санъатларини намойиш қилаётирлар. Шулар орасида Тошкент область Ленин комсомоли мукофотининг лауреати «Лаззат» ва Ўзбекистон ЛКСМ Ленин комсомоли мукофотининг лауреати «Котангенс» вокал чолғу ансамбллари областимизданагина эмас, республикамизда танилдилар.

Саҳнада куй ва қўшиқлар янграй бошлади. В. Киселёв раҳбарлигидаги Бўстонлиқ район маданият уйининг хор коллективи «Ленин биз билан» қўшиғини маҳорат билан ижро этди. Сўнгра оҳангаронлик бадиий ҳаваскорлар ижросида вокаль хореографик сюита янгради.

Кейинги йилларда областимизда болалар бадиий ҳаваскорлик тўгараклларини кўпайтириш, кенжатойлар орасидан санъатга мойилларини танлаш ва тарбиялашга эътибор кучайди. Бекобод, Коммунистик районларида болалар ансамбллари вужудга келди. Шу куни Коммунистик райони Свердлов номли колхоз болалар рақс коллективи ўзининг кувноқ ўйинлари билан йиғилганларни хушнуд этди.

Янгийўл шаҳар маданият уйининг «Котангенс» вокал чолғу ансамблининг чиқишини томошабинлар зўр қизиқиш билан кутиб олдилар. Улар ижросидаги «Малиновка», «Эх, йўллар», «Барабан» қўшиқлари барчага манзур бўлди.

Фурсатдан фойдаланиб Тошкент область комсомол комитетининг секретари Ҳ. Абдураймов билан суҳбатлашамиз:

— Бир неча йиллардан бери область комсомол комитети область маданият бошқармаси билан ҳамкорликда ҳаваскор коллективлар кўрик-конкурсларини ўтказиб туришни йўлга қўйди, — дейди у. — Бугунги кунда 56800 нафар ҳаваскорни ўз бағрига олган областимизда 2500 бадиий коллектив фаолият кўрсатиб турибди.

Кеча қатнашчилари хонандалар санъатини ҳам мароқ билан тингладилар. Коммунистик райониданги Свердлов номли колхоз ҳаваскори Ойтўра Толипова қўйлаган «Она меҳри» қўшиғи томошабинларнинг қайта-қайта олқишига сазовор бўлди. Шунингдек, сўлим боғда йиғилганлар Оққўрғон район маданият уйининг раққосаси Клара Олимжонова ижро этган фусункор рақсларни ҳам завқ билан томоша қилдилар.

Область халқ бадиий ҳаваскорлари коллективларининг якунловчи концерти ёшларнинг диди, ҳақиқий санъатга бўлган интилиши тобора ошиб бораётганлигидан далолат беради. Бу уларнинг ижрочилик маҳоратида, кийинишларида, тайёрланган декорацияларда айниқса яққол сезилди.

— Биз бугимизда бундай катта кўрикнинг ўтказилаётганлигидан беҳад миннатдормиз, — дейди шаҳар маданият ва истироҳат боғининг директори Ҳайдарали Мамадалиев. — Чунки областимиз хушовоз ҳаваскорлари ҳамда раққосалари, миниатюра усталарининг энг намунали ижро номерлари янгийўллик санъатсеварлар учун ижодий мактаб бўлиб қолади.

Истироҳат боғида бўлиб ўтган концертдан тушган маблағ Тинчлик фондига ўтказилди.

А. НОСИРОВА.

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент шаҳар маданият уйи қошида турли тўгараклар фаолият кўрсатмоқда. Уларда 300 га яқин ишчи-хизматчи, студент ва ўқувчи ёшлар иштирок этишмоқда: Суратда: рақс ансамбли қатнашчилари маш гулот пайтида.

М. Нуриддинов фотоси.

ЁДГОРЛИКЛАР ЭЛ ОРАСИДА

Серқуёш республикамиз қадимий маданият, санъат, археология ва архитектура ҳазинаси ҳисобланади. Ҳар бир ёдгорлик халқимиз босиб ўтган шонли йўлнинг бир саҳифаси десак адашмаймиз. Уларни муҳофаза қилиш эса катта аҳамиятга эга бўлган давлат ва жамоат ишидир. Пойтахтнинг маданият ва тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш Фрунзе район жамиятининг бу борада партия ва совет органлари раҳбарлигида олиб бораётган ишлари диққатга сазовордир. Район меҳнаткашлари қарийб 14 йилдан бўён бу умумхалқ ишига ўз маблағлари билан ҳисса қўшишмоқда. Агар 1976 йилда аъзолик бадаллари ҳисобига тўпланган маблағ 13 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 1981 йилга келиб 22 минг сўмни ташкил этди. Ўтган беш йилликда ёдгорликларни муҳофаза қилиш жамиятининг сафи ҳам кенгайди. Ҳозир унинг 14130 катта ва 19340 нафар ёш аъзоси бор.

Ўзбекистон тарихий ҳамда маданият ёдгорликларини пропаганда қилиш ва асраш масалалари райондаги барча партия, совет ва барча жамоат ташкилотларининг диққат эътиборида бўлмоқда. Район ижроия комитети ўзининг ҳар бир йиғилишида ёдгорликлар муҳофазасига алоҳида тўхталади.

Ғалабанинг 35 йиллиги муносабат билан Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари хотирасига бағишлаб меморнал ёдгорликлар ўрнатилди. Шуниси қувончлики, уларнинг кўпчилиги ишчи-хизматчилар, студент ва ўқувчилардан аъзолик бадаллари сифатида тўпланган маблағ ҳисобига қурилди.

Халқ бойлиги саналган ёдгорликларни авайлашни лекция ўқиш ёрдамида пропаганда қилиш ҳам районда яхши йўлга қўйилган. Бу лекциялар «Билим» жамияти билан ҳамкорликда тарих ва археология мутахассислари ва жамоат активлари томонидан уюштирилмоқда.

А. ҒУЛОМОВ,
ёдгорликларни муҳофаза қилиш Фрунзе район жамиятининг масъул секретари.

АХБОРОТ
ОБЛАСТИМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

КЎРКАМ ШАҲАРЧА

Янгийўл райони маркази бўлмиш Гулбаҳор посёлкаси кўркам шаҳарчага айланиб бормоқда. Яқинда бу ерда ҳар бири 48 ва 72 квартирали иккита турар-жой бинои фойдаланишга топширилди. Бинолар энг замонавий лойиҳалар асосида қурилди. Ёруғ хоналари, кенг айвонлари, янгийўлликларга манзур бўляпти.

Кейинги йилларда 109-кўчма механизациялашган колонна қурувчилари Гулбаҳор посёлкасида бир қатор янги объектларни ишга туширдилар. Ҳозир замонавий универсал магазини, маиший хизмат уйи, алоқа узели, дорихона намунали хизмат қилиб турипти.

Келажакда посёлка яна ҳам кенгаяди. Янги уй-жойлар, маданий-маиший объектлар, мактаб ва боғчалар ишга туширилади.

Районнинг Халқобод посёлкаси ҳам йил сайин ўзгариб боряпти. Яқинда бу ерда 500 номерли янги автомат телефон станцияси ишга туширилди. Натижада район маркази ва бошқа аҳоли пунктлари билан телефон алоқаси яна ҳам яхшиланди.

ЕЗ ГАШТИ

Шаҳардан чиққан автобуслар «Огонёк» ва «Шаршара» пионер лагерлари томон йўл олди. Кичкинтойлар чеҳрасида табассум. Улар ёзни сўлим табиат қўйнида жойлашган мана шу лагерларда ўтказадилар.

Бекобод шаҳри саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотлари ҳар иккала лагерь ремонтини муддатидан олдин тугалладилар. Болаларнинг яйраб дам олиши ва ҳордиқ чиқариши учун бу ерда барча қулайликлар муҳайё қилинган. Улар турли тўгараклларга аъзо бўлишган. Тез-тез тоғ ён бағирларига ва дарё бўйларига юришлар уюштирмоқдалар, она табиат билан яқиндан танишмоқдалар.

Бу йил 1500 дан ортиқ бекободлик ўқувчи пионер лагерларида ёзни соз ўтказади. Бундан ташқари шаҳар мактаблари ҳузурида ҳам пионер лагерлари ташкил қилинган.

М. ЗАРИПОВ.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрлиги
АКАДЕМИК Р. Р. ШРЕДЕР НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ
БОҒДОРЧИЛИК, УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҚОШИДАГИ
Р. МУСАМУҲАМЕДОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ТЕХНИКУМИ
1981—1982 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникум колхоз, совхоз, ўрмон хўжалиги учун мева-сабзавотчилик бўйича малакали агрономлар, техник-технологлар, техник-механиклар ва ўрмончилик техникларини тайёрлайди.

Мева-сабзавотчилик, мева ва сабзавотларни қайта ишлаш, техник-механик ва ўрмон хўжалиги бўлимларида мутахассисликдан ташқари қўшимча равишда тракторчи-машинист ва мева-сабзавотларни қайта ишлаш мастери касблари ўргатилади.

ТЕХНИКУМГА УРТА ВА ТУЛИҚСИЗ УРТА МАЪЛУМОТЛИ 30 ЕШГАЧА БЎЛГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати 10—11 синфни тамомлаганлар учун 2 йилу 6 ой, 8-синфни тамомлаганлар учун 3 йилу 6 ой.

ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар: 8-синфни тамомлаганлар: она тили (диктант), математика (оғзаки).

Урта маълумотлилар: мева-сабзавотчилик, мева ва сабзавотларни қайта ишлаш ва ўрмон хўжалиги бўлимлари бўйича: она тили (иншо), химия (оғзаки);

механизация бўлими бўйича: она тили (иншо), математика (оғзаки).

Кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган, Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотидан қайтганлар, иш стажига эга бўлиб норхона, совхоз ва колхозлар йўлланмаси билан келганлар ноннуссиз қабул қилинади.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 1 АВГУСТДАН 20 АВГУСТГАЧА ЎТКАЗИЛАДИ.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: аттестат ёки гувоҳнома (асли), туғилганлиги ҳақида гувоҳнома, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, соғлиги ҳақида справка (286-форма), 4 та фотосурат (3х4 см.).

Паспорт шахсан кўрсатилади.

ТЕХНИКУМГА КИРУВЧИЛАР ЕТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ.

Стипендия умумий тартибда тўланади.

Адрес: Тошкент район, Ҳасанбой қишлоқ Совети, Кенсой посёлкаси (105-автобуснинг сўнгги бекати).

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитети
Меҳнат Қизил Байроқ орденли, Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз ремонти заводи базасидаги
155-темир йўлчилар ўрта ҳунар-техника билим юрти
1981—82 ўқув йили учун
қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

узоқ манзилларга борувчи пассажир вагонларининг проводниги.

Ўқиш муддати — 1 йил. Ўрта маълумотли, 17,5 ёш ва ундан катта бўлган йигитлар ва қизлар қабул қилинадилар. Қабул қилинганларга ойига 30 сўм ҳажмида стипендия ва ётоқхона берилади.

Машинада қолипловчилар. 8—10 синф ҳажмида маълумотли, 17,5 ёш ва ундан катта бўлган йигитлар қабул қилинадилар. Уларга ойига 30 сўм ҳажмида стипендия берилади, 10 синф ҳажмида маълумотлиларга эса ойига 72 сўм ҳажмида стипендия тўланади. Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилган кишилар учун ётоқхонадан жой берилади. Ўқиш муддати 7,5 ой. Машгулотлар группалар тўлишига қараб бошланади;

электр кўприкли кранларнинг крончиси. 8—10 синф ҳажмида маълумотли, 17,5 ёш ва ундан катта бўлган йигит ва қизлар қабул қилинадилар. Уларга ойига 72 сўм ҳажмида стипендия берилади. Ўқиш муддати 7,5 ой. Ётоқхонадан жой берилади. Машгулотлар группалар тўлишига қараб бошланади.

Тепловоз машинисти ёрдамчиси, тепловоз механик қисмининг ремонти бўйича слесарь, электргаз пайвандловчи, тепловознинг электр қисми бўйича слесарь, саноат ускуналари ремонти бўйича слесарь, совутиш ускуналари бўйича слесарь. Ўқиш муддати 3 йил.

Бу группага 8 синф ҳажмида маълумотли 15 ёш ва ундан катта бўлган йигитлар кабул қилинадилар.

Ўқишга қабул қилинганлар 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош билан таъминланадилар, шунингдек ишлаб чиқариш практикаси даврида ишланган иш ҳақининг 50 процентини оладилар. Ўқиш муддати узлуксиз меҳнат стажига қўшилади.

Билим юртини битирганларга диплом, аъло баҳолар билан тугатганларга эса олий ва ўрта махсус ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан ўқишга кириш учун йўлланмалар берилади. Билим юртини битирувчилар темир йўл транспорти ишчиларига берилган барча имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: билим юрти директорининг номига ёзилган ариза, автобиография, гувоҳномалар: туғилганлиги тўғрисида, маълумоти тўғрисида; справкалар: турар жойидан, ота-онасининг иш жойидан; характеристика, 8 та фотосурат.

Ҳужжатлар ҳар куни (якшанба кунидан ташқари) соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Червяков кўчаси, 12-уй (1, 5-трамвайлар, 22, 55, 106-автобусларнинг «Фоменко кўчаси» бекати). Телефон 91-14-07.

Спорт

ИККИ ПЕШҚАДАМ

Мамлакат чемпионати иккинчи лига олтинчи зона қатнашчилари эртага биринчи даврага якун ясашади. Ўтган куни бўлиб ўтган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Навбаҳор» — «Нефтянник» — 1:1, «Хоразм» — «Амударё» — 4:0, «Ҳужанд» — «Ҳисор» — 6:1, «Пахтачи» —«Каршистрой» 5:2, «Семетей» — «Янгиер» — 0:2, «Пахтакор» — «Динамо» — 1:3, «Зарафшон» — «Автомобилист» — 2:0, «Шахрихончи» — «Старт» — 0:0, «Олой» — «Соҳибкор» — 3:1.

Фарғоналик футболчилар Наманганда дуранг қилишиб, бир очко йўқотишган бўлса самарқандликлар Кўрғонтепада галабага эришиб, пешқадамга етиб олишди. Шундай қилиб, биринчи даврининг сўнгги тури олдидан «Нефтянник» ва «Динамо» командалари ҳисобида 31 тадан очко бор.

ФИНАЛДА ҚАТНАШИШАДИ

Донецк ва Волгоград шаҳарларида енгил атлетика бўйича СССР кубогининг ярим финал мусобақалари бўлиб ўтди. Натижага кўра биринчи ўринни эгаллаган спортчилар финалда иштирок этишарди. Тошкент области енгил атлетикачилари Тошкент шаҳри командасига қараганда бир муча яхши қатнашишди. Петр Воробьев 100 метрга югуришда 10,5 секунд натижа билан голиб келди. Татьяна Вилисова ҳам программанинг ана шу турида биринчи бўлди. Вакилимиз масофани 11,9 секундда босиб ўтди. Баландликка сакраш мусобақаларида Геннадий Белков 2 метр 18 сантиметр натижага эришиб, финалга йўлланма олди. Тошкент области енгил атлетикачилари Тошкент шаҳри командасига қараганда бир муча яхши қатнашишди. Петр Воробьев 100 метрга югуришда 10,5 секунд натижа билан голиб келди. Татьяна Вилисова ҳам программанинг ана шу турида биринчи бўлди. Вакилимиз масофани 11,9 секундда босиб ўтди. Баландликка сакраш мусобақаларида Геннадий Белков 2 метр 18 сантиметр натижага эришиб, финалга йўлланма олди. Тошкент шаҳри командасидан фақат бир спортчи Григорий Скориков ядро улоқтиришда галабага эришиб ҳал қилувчи мусобақаларда иштирок этадиган бўлди.

Булардан ташқари СССР кубогининг финалида республикамизнинг етакчи енгил атлетикачилари З. Зайцева, С. Улмасова, А. Харлов, А. Черников ва бошқалар ҳам қатнашади.

ИЮЛЬ ОЙИ МУСОБАҚАЛАРИ

Ҳер қачонгидек июль ойи спорт календарида ўқувчи спортчилар мусобақаларига катта ўрин берилган. Езги таътил кунларида ўқувчилар ўзларининг навбатдаги Бутуниттифоқ спартакиадасини ўтказишади. Фақат шу ойнинг ўзида акробатика, баскетбол, бокс, эркин ва классик кураш, сув поло, волейбол, бадиий гимнастика, дзю-до, сузиш, футбол ва бошқа турлари бўйича финал учрашувлар бўлиб ўтади.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ
МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

КОБУЛДА УЧРАШУВ

КОБУЛ, 30 июнь. (ТАСС). АДР Министрлар Советининг Раиси Султон Али Кештманд Ўрта Осиё ва Козоғистон мусулмонлари диния назоратининг раиси муфти Зиёвуддин Бобохоновни қабул қилди. У Афғонистон уламолари ва руҳонийлари олий кенгашининг таклифига биноан визит билан бу ерга келди. Учрашувда ислом дини ишлари бош назоратининг раиси, АДР уламолар ва руҳонийлар олий кенгашининг раиси Муҳаммад Сайид Афгоний, Афғонистон таниқли дин арбоби Саид Али Шоҳ Тавакали ҳозир бўлдилар.

Учрашув давомида С. А. Кештманд Зиёвуддин Бобохонов бошлиқ Совет Иттифоқи мусулмонлари делегациясини таблиқлади. У, бу визит Афғонистон билан Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги дўстлик ва қардошликни мустаҳкамлаш соҳасида қўйилган яна бир муҳим қадамдир, деди. АДР ҳукуматининг бошлиғи АДРни ривожлантиришда бераётган ёрдами ва мадади учун Совет Иттифоқига чуқур миннатдорчилик изҳор этди.

Муфти З. Бобохонов ўз навбатида Совет Иттифоқи мусулмонларининг турмуш шароитлари ва диний эътиқод эркинлиги тўғрисида батафсил гапириб берди.

Муфти З. Бобохонов Тошкентда нашр этилган қурёнларнинг бир нусхасини С. А. Кештмандга топширди.

Шу бугун муфти З. Бобохонов Афғонистон—Совет дўстлиги жамиятининг раиси Анахита Ротибзод билан учрашди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● ПАРИЖ. Франциядаги «Когема» ҳусусий компаниясга мансуб бўлган Боск уран кони ишчиларидан 300 кишининг забастовкаси бир ҳафтадан бўён давом этмоқда. Меҳнаткашлар ана шу корхонанинг национализация этилишини, иш ҳақининг оширилиши ва меҳнат шароитларининг яхшиланишини талаб қилмоқдалар.

● ҚОҲИРА. Миср миллий — тараққийпарвар (сўл) партиясининг ахборот бюллатени — «Ат—Такаддум» бундай деб ёзади: кўпчилик мисрликларнинг кун кечириши тобора қийинлашиб бормоқда.

Ҳатто расмий маълумотларга қараганда, деб таъкидлайди бюллетень, шу йил бошдан бўён мамлакатда нарх-навО ой сайин ўрта ҳисобда 15 процент ошиб бормоқда. Озиқ-овқат маҳсулотлари, қийим-кечак ва газламанинг, жамоат транспортида юриш баҳосининг қиммаллашганлиги меҳнаткашларнинг аҳволини айниқса оғирлаштириб қўймоқда. Сабзавот ва мева нархи ўтган йилдагига нисбатан 50 процент, транспорт таърифлари эса 150 процент ошди.

● КОТОНУ. Абомей шаҳрида Бенин халқ революцияси партияси ва Зу вилояти оммавий жамоат ташкилотлари намояндаларининг Осиё ва Африка мамлакатлари билан Совет комитети делегацияси ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Бу учрашув тинчлик ва кескинликни юмшатиш учун, империалистик кучларнинг жаҳонни уруш ҳалокати ёқасига келтириб қўйиш йўлидаги уринишларига қарши курашда бирликни мустаҳкамлаш шиори остида ўтди.

Учрашув иштирокчилари Ҳинд океанининг тинчлик зонасига айлантирилишини ва халқаро проблемаларнинг тинч йўл билан бартараф этилишини ёқлаб фикр билдирдилар. Улар апартеиднинг инсонга зид режимини ва Жанубий Африка Республикасининг ирқчилари Намибияни қонунга хилоф равишда оккупация қилиб туришларини қораладилар.

● ЛИМА. Миллионлаб перуликлар — мамлакат пойтахти ва Тинч океан соҳилидаги районларнинг аҳолиси ўтган якшанбани катта ҳалокат — кучли зилзила бўлишини кутиш таҳликаси билан ўтказдилар. Табиий офат бўлишини америкалик Б. Брейди «каромат қилган» эди.

Перунинг нуфузли мутахассислари бу тахминни рад этганликларига қарамай, маҳаллий оммавий ахборот воситалари тарқатган Б. Брейдининг «лайгамбарлиги» мамлакатда ваҳима туғдирди. Граждан мудофеси кучлари оширилган шай ҳолга келтирилди.

(ТАСС, 30 июнь).

ЭРОНДАГИ ВАЗИЯТ

ТЕҲРОН, 30 июнь. (ТАСС). Ҳукмрон Ислом Республикаси партиясининг штаб қарорғоҳида юз берган портлаш қурбонларининг хотирасига бағишланган мотам маросимида бугун юз минглаб эронликлар қатнашдилар. Портлаш натижасида партия ва давлатнинг 72 раҳбар арбоби ҳалок бўлди. Намойиш қатнашчилари Америка империализмининг Эронга қарши кирдикорларини ғазаб билан қораловчи транспарантларни кўтариб бордилар.

Эрон парламентининг раиси Али Акбар Ҳошими — Рафсанжани мотам митингида гапириб, террорчилик ҳаракатлари, кескинликни зўрайтириш ва бошқа жиноятлар замири чет эллар билан боғлиқ катта бир фитнанинг бир қисмидир, деб таъкидлади.

Аксилинқилобчилари и н г Америка марказий разведка бошқармаси ва бошқа жосуслик марказларининг режаларига мувофиқ иш кўраётган «бешинчи колоннаси» кўпгина кучларни жиноий иттифоққа бирлаштирди, деди у. Бу иттифоққа капиталистлар ва заминдорлар, шоҳ режимининг агентлари ҳам кирдилар. Турли тоифадаги ёлланганлар ва чет эл жосуслари ҳам ана шу иттифоққа қўшилдилар.

Парламент раиси аксилинқилобчиларнинг кирдикорларини ва Ғарб радиостанцияларининг разил пропагандасига нисбатан аҳолини хушёрликка чақирди.

АҚШ давлат секретари Хейг портлашни ташкил этишга Қўшма Штатларнинг дахлдорлигини рад этганлигига қарамай, Теҳрон радиоси Ислом Республикаси партиясининг Қўшма Штатлар ва Исроил шаънига қилган огоҳлантиришини эшиттирди. «АҚШнинг фитналари қачадар ёвуз бўлиб бораверар экан,—дейилади баёнотда,— Эрон халқи шунчалик уюшқоқ бўлади. Америка ва Исроил Эрон инқилобининг раҳбарларини ўлдириш билан бу инқилобни чўчитишга қодир эмаслигини билиб олмоғи лозим. Эрон инқилоби регионда АҚШ ва сионизм таъсирига тамомила барҳам берилмагунга қадар ҳаракатини давом эттираверади. Йўқолсин Америка агентлари ва сионист агентлар».

Мамлакатнинг диний раҳбарларидан бири оятилло Ҳусайн Али Мунтазирий гапириб, «Эрон Республикаси партиясининг штаб-қарорғоҳида портлатилган бомба — жиноятчи Қўшма Штатлар ва унинг ёлланган агентлари ишидир», деди.

Яқинда бўлган портлаш натижасида Ислом Республикаси партиясининг раҳбари оятилло Биҳиштий ҳалок бўлганлиги муносабати билан маориф министри Муҳаммад Жавод Баҳонар партиянинг янги бош секретари қилиб сайланди.

Кеча Эвин қамоқхонасининг бошлиғи Муҳаммад Качавий тўппончадан ўқ узиб ўлдирилганлиги бу ерда эълон қилинди. Унинг қотили ва бошқа бир қанча киши қамоққа олинган.

Инқилоб судининг баёнотида М. Качавийни «Америка агентлари» ўлдирганлиги айтилади.



ИТАЛИЯ. «Мондо» ҳафталиги хабар беришича ҳозирги вақтда Аппенин оролида қурол-яроғ ва ҳарбий техника ишлаб чиқаришга мослашган 300 га яқин корхона мавжуд. Эндиликда улар Форс кўрфази атрофида жойлашган бир неча мамлакатга «Лайон» деб аталмиш машҳур танкининг мукаммаллашган турини сотишга уринмоқдалар. Суратда: «Лайон» танки синаб кўрилмоқда. ЮПИ—ТАСС фотоси.

Редактор ўринбосари Р. УМАРОВ.

Телевидение

МТ «ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Мультфильмлар. 10.35 — Телевизион спектакль. 12.00 — Концерт. 12.25 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.15— Ҳужжатли фильмлар. 16.00 — Рус тили. 16.30 Стендга отиш бўйича СССР чемпионати. 17.05 — Концерт. 17.30 — Телевизион бадиий фильм. 18.45—Врач сухбатлари. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Концерт. 19.50 — Телевизион бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05— Фан оламида. 22.35 — Дунё воқеалари. 22.50 — Концерт.

УзТВ I

11.25 — Кўрсатувлар программаси. 11.30 — Телефильм. 12.00 — «Езги меҳнат чораги». 12.30 — Бадиий фильм. 18.15— Кўрсатувлар программаси. 18.20 — Мультфильмлар. 18.40 — «Ёшлик». 19.10 — В. И. Ленин. Марказий музейининг Тошкент филиалидан репортаж. 19.30 — Ахборот. 19.45— Шарқ халкларининг қўшиклари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Брама. 22.05 — КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга! 22.25 — Бадиий фильм. 23.45 — Кўрсатувлар программаси.

УзТВ-II

18.35 — Кўрсатувлар программаси. 18.40 — Болалар учун фильм. 19.00 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Фильм-концерт. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 —Бизнинг денгизчи юртдошларимиз. 20.50 — Математика.

Колхозлараро нхтисослаштирилган кўчма механизация колоннасига
автокранчилар, экскаваторчилар, шоферлар
КЕРАК
Автокранчилар ва экскаваторчилар турар жой билан таъминланадилар.
Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Оржоникидзе район, Чингелди посёлкаси («Шастри — Чингелди» автобуснинг сўнгги бекати).

БИЗНИНГ АДРЕС. 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари—335885, 325747, 337916, 325748: масъул секретарь—334808, 325353: секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши—325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари—325553; фотомухбир— 325894.

Р. 02097. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64683. В. 1636.